

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
I боб. Ички ва ташқи балансни таъминлашнинг назарий ва услубий асослари.....	6
1.1. Ички балансни таъминлашда инвестиция ва жамғармаларнинг ўрни...	6
1.2. Ташқи балансни таъминлашда ташқи савдони шакллантириш асослари.....	13
1.3. Макроиктисодий мувозанатни таъминлашнинг услубий жиҳатлари...	18
II боб. Ўзбекистон иқтисодиётида ички ва ташқи балансни таъминлаш кўрсаткичлари таҳлили.....	26
2.1. Мамлакатда ички балансни таъминлашда инвестиция сиёсатини ривожланиш кўрсаткичлари таҳлили.....	26
2.2. Мамлакат иқтисодиётида ташқи савдо сиёсатини юритилиш ҳолати таҳлили.....	31
2.3. Ўзбекистон иқтисодиётига жалб этилаётган хорижий инвестициялар динамикаси таҳлили.....	37
III боб. Ўзбекистон иқтисодиётида ички ва ташқи балансни таъминлаш омилларидан самарали фойдаланиш йўллари.....	43
3.1. Мамлакатда ички балансни таъминлашда инвестиция фаолиятини ривожлантириш йўналишлари.....	43
3.2. Ташқи савдо сиёсатини жадаллаштиришда давлатнинг родини ошириш йўллари.....	50
3.3. Мамлакат иқтисодиётидаги молиявий-иқтисодий ресурслардан самарали фойдаланиш йўллари.....	58
Хулоса ва таклифлар.....	66
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	69
Иловалар.....	73

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистонда иқтисодий ўсишни барқарорлаштириш, мамлакатда макроиқтисодий барқарорликни узвий равишда таъминлаб боришда жамиятдаги жамғарма маблағларини инвестиция манбаларига айланиши ва самарали ташқи савдо сиёсатини шакллантириш орқали ижобий балансга эришиб бориш муҳим аҳамият касб этади. Мамлакат иқтисодиётини модернизациялаш, техник ва технологик қайта қуроллантириш йўлида инвестиция сиёсатини ва ташқи савдо сиёсатини самарали юритишни ташкил этишни талаб этмоқда. Бу борада Президентимиз Ислом Каримов “Мамлакатимизда таркибий ўзгаришларни изчил амалга оширишда қулай инвестиция муҳитининг яратилгани асосий омил бўлиб келмоқда. 2008 йилда иқтисодиётни ривожлантириш учун барча молиявий манбалар ҳисобидан 6,4 миллиард АҚШ доллари миқдоридан инвестиция жалб этилди. Бу 2007 йил билан таққослаганда, 28,3 фоизга кўп бўлиб, ялпи ички маҳсулотга нисбатан инвестициялар ҳажми 23 фоизни ташкил этди.”¹ деб таъкидлаганлар.

Шунингдек, мамлакатимиз иқтисодиётини яната юксалтириш йўлида жаҳон бозорида иштирок этиш даражасини ошириш борасида талайгина ютуқларга эришиб келинаётгани ҳеч кимга сир эмас. Президентимиз Ислом Каримов шу соҳада “Жаҳон бозоридаги конъюнктуранинг беқарорлигига қарамасдан, 2013-йилда экспорт ҳажмининг ўсиши 10,9 фоиздан иборат бўлди. Ташқи савдо фаолиятидаги ижобий салдо 1 миллиард 300 миллион долларни ташкил этди. 2013-йилда қимматбаҳо металллар нархининг кескин пасайганига қарамасдан, мамлакатимиз олтин-валюта захираси ўтган йил давомида 2 фоизга кўпайди.”² деган фикрни айтиб ўтдилар.

Ишнинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакат иқтисодиётида ички ва ташқи балансни ўрнатиш, инвестиция ва жамғармалар, экспорт ва импорт

¹ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни баргараф этишнинг йўллари ва чоралари. Тошкент, 2009 йил март.

² Каримов И.А. “2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади”. //Халқ сўзи. 2014 йил 18 январ.

масалалари доимо иқтисодчи олимлар учун долзарб масалалардан ҳисобланиб, бу каби муаммолар юзасидан Ж.Р.Хикс, Ж.М.Кейнс, А.Маршалл, А.Пигу, П.Самуэльсон, Б.Фридман, Л.Абалкин, С.Аукуционек, Л.Григорьев, Я.Кваши, Г.Найденев, А.Полетаев, Ю.Плушевский, В.Фальцман, Р.Энтов ва бошқа олимларнинг тадқиқотларида шакллантирилган.

Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан Исоқов М.Ю., Ғозибеков Д., Юлдашев Ш.Г., Исмоилов К.К., Узоқов А., Каримов Н.Г. тадқиқотларида ҳам ушбу муаммоларга катта эътибор берганлар. Инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва уларни самарали баҳолаш жараёнларини фаоллаштириш муаммосининг турли жиҳатлари Ҳикматов О.Х., Шарифхўжаев М.Ш., Муҳиддинов Р.М., Махмудов Э.Х., Абдуғаниев А.А., Нодирхонов У.С., Ғуломов С.С., Ғозибеков Д., Расулов Н.Н., Турдиев А., Юсупова Н.М., ва бошқа бир қанча олимларнинг ишларида ҳам атрофлича ёритилган.

Мамлакат иқтисодиётини модернизациялаш, техник ва технологик қайта куруллантириш ҳамда мамлакатда макроиқтисодий мувозанатни ўрнатиш муҳим аҳамиятга эга қилмоқда. Зеро, инвестиция ва жамғармаларни тўғри шакллантириш ҳамда экспорт ва импорт операциялари ижобий амалга ошириб бориш орқали ички ва ташқи балансга таъминлашнинг асосий омилларидан самарали фойдаланиш долзарб масала ҳисобланади.

Битирув малакавий ишининг мақсади ва вазифалари. Битирув малакавий ишининг мақсади мамлакат иқтисодиётида ички ва ташқи балансга таъминлашнинг асосий омилларидан самарали фойдаланиш истиқболлари бўйича илмий асосланган тавсиялар ҳамда амалий таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Юқоридаги мақсаддан келиб чиққан ҳолда ишнинг вазифалари сифатида қуйидагилар белгилаб олинди:

- Ички ва ташқи балансга таъминлашнинг назарий ва услубий асосларини ўрганиш;

- Экспорт, импорт ва ташқи савдони тўғри шакллантириш жиҳатларини тадқиқ қилиш;
- Ўзбекистон иқтисодиётида ички ва ташқи балансни таъминлаш ҳолатини таҳлил қилиш;
- Мамлакат иқтисодиётига инвестиция жалб қилиш тизимини ўрганиш;
- Иқтисодиётда ташқи савдони амалга ошириш кўрсаткичлари динамикасини таҳлил қилиб чиқиш;
- Ўзбекистон иқтисодиётида ички ва ташқи балансни таъминлаш омилларидан самарали фойдаланиш йўналишларини асослаш;
- Ташқи савдо сиёсатини жадаллаштиришда давлатнинг ролини ошириш жиҳатларини асослаш ва бошқалар.

Тадқиқот объекти Ўзбекистон Республикасида иқтисодиёти ҳисобланади.

Тадқиқот предмети мамлакат иқтисодиётида инвестиция ва жамғармалар ҳамда экспорт ва импортни тўғри шакллантириш орқали ички ва ташқи балансни ўрнатиш тизимини ўрганишни касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат статистика қўмитаси маълумотлари, мамлакатимизда ва чет элда чиққан методик ҳамда маълумотнома материаллар битирув малакавий иши учун ахборот базаси бўлиб хизмат қилди.

Битирув малакавий ишининг амалий аҳамияти тадқиқот натижаларидан инвестиция ресурслардан унумли фойдаланш, ташқи савдони самаралироқ ташкил этиш борасида шакллантириладиган ижобий тавсиялардан фойдланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Битирув малакавий ишининг тузилиши. Мазкур иш кириш қисми, уч бобдан иборат асосий қисм, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан ташкил топган.

I боб. Ички ва ташқи баланси таъминлашнинг назарий ва услубий асослари

1.1. Ички баланси таъминлашда инвестиция ва жамғармаларнинг ўрни

Инвестициялар мамлакатда ишлаб чиқариш ресурсларини ривожлантириш йўлида жамғарма маблағларини иқтисодиётда йўналтириш орқали иқтисодиётда ички баланси таъминлашнинг бош омилларидан ҳисобланади. Бу борада ҳурматли Президентимиз Ислон Каримов “Шуни мамнуният билан таъкидлаш керакки, ўзлаштирилган барча инвестицияларнинг қарийб 54 фоизини корхоналар ва аҳоли маблағлари ташкил этади.”³ деб таъкидладилар.

Инвестиция иқтисодий категория бўлиб, унга турли олимлар турлича таърифлар бериб келганлар. Қуйида инвестиция терминига берилган бир қанча олимларнинг қарашларини атрофлича кўриб чиқамиз.

Самуэльсон П., Нордхаус В. “Инвестиция иқтисодий фаолият бўлиб, келажакда ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида бугунги истеъмол харажатларидан воз кечиш демакдир. Унда воситалар моддий (бино, жиҳоз) ёки номоддий (таълим) капиталига йўналтирилади. Молиячилар фикрига кўра, инвестиция қимматли қоғозларни харид қилишни англатади.”⁴ деган фикрни таъкидлаб ўтганлар.

Макконелл К., Брю С. “Инвестиция – бу моддий захираларнинг кўпайиши, ишлаб чиқариш воситаларининг жамғарилиши ва ишлаб чиқаришга харажатлардир”⁵ деб таъкидлашади.

Инвестиция тушунчаси «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида таъриф берилганидек, иқтисодий ёки бошқа фаолият объектига сарф қилинадиган моддий ва номоддий неъматлар ва уларни тасарруф қилиш ҳуқуқини ифодалайди. Молиявий моҳиятига кўра

³ И.А.Каримов. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Тошкент, 2009 йил март.

⁴ Самуэльсон П., Нордхаус В. Экономика, 18-е изд. – М.: ООО “И.Д.Вильямс”, 2009г. 218 стр.

⁵ Мокконелл К., Брю С. Экономикс: принципы, проблемы и политика. 16-е изд.– М.: ИНФРА, 2006г. 134 стр.

инвестициялар даромад олиш мақсадида хўжалик фаолиятига сарфланадиган барча турдаги активлардир (воситалардир)⁶.

Самара ёки даромад келтирадиган мулкый ва интеллектуал бойликлар, яъни инвестициялар қуйидаги шаклларда булиши мумкин,

- пул маблағлари, банклардаги мақсадли жамғармалар, пайлар, акциялар ва бошқа қимматбаҳо қоғозлар;

- ҳаракатдаги ва ҳаракатда бўлмаган мулклар (бинолар, иншоотлар, асбоб-ускуналар ҳамда бошқа моддий бойликлар);

- муаллифлик ҳуқуқи, ноу-хаулардан ташкил топган мулкдорлик ҳуқуқлари ва бошқа интеллектуал бойликлар;

- ер ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқлари ҳамда мулкчилик ҳуқуқлари;

- бошқа бойликлар.

ЯИМ таркибида инвестицияларнинг улуши талайгина қисмни ташкил этади. Бу эса, инвестицияларни макроиктисодий жиҳатдан ҳам ўрганиш лозимлигини кўрсатиб беради.

ЯИМнинг харажатлар бўйича ҳисоби қуйидаги формула орқали ифодаланади:

$$\text{ЯИМ} = \text{C} + \text{I} + \text{G} + \text{X}_n$$

Бу ерда, **C** – аҳоли истеъмол харажатлари, **I** – инвестициялар, **G** – давлат харажатлари, **X_n** – соф экспорт


Инвестиция харажатлари ўтган йилларда ЯИМ маҳсулотнинг деярли ¼ қисмини ташкил этиб келмоқда. Шундай экан, инвестицияга талабни ўрганиш, инвестиция ҳажмига таъсир этувчи омилларни кўриб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Инвестицияга талаб функцияси қуйидагича шакллантирилади:

$$\text{I} = \text{E} - \text{dR} + \text{nY}$$


⁶ Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. 24 декабр, 1998 йил.

Бу ерда, E – Инвестиция ҳажмининг максимал миқдори, dR – банкнинг дисконт ставкаси, nY – ЯИМ ва даромад ўсиши ўртасидаги нисбат. Бу функцияни графикда қуйидагича изоҳлаш мумкин:



1-чизма. Инвестицияга талаб функцияси.⁷

Одатда инвестициялар асосини жамғармалар ташкил этгани учун унинг ҳажмига таъсир этувчи асосий омил сифатида банк кредит ставкалари олинади. Инвестиция ҳажмига, бундан ташқари, қуйидаги омиллар ҳам таъсир этади. Уларни қуйидаги графикларда изоҳлаб ўтамыз.



2-чизма. Инвестиция ҳажмига таъсир этувчи омиллар⁸

Юқоридаги чизмалардан кўриниб турибдики, ЯИМ ва даромад инвестиция ҳажмига тўғри пропорционал кўрсаткичдир. Аҳоли даромадларнинг ошиши жамғармаларнинг ошишига, бу эса ўз навбатида омонатларнинг кўпайишига ва тижорат банкларининг ишлаб чиқарувчиларга паст фоизда, кўпроқ миқдорда кредит беришига олиб келади.

Инвестицияларнинг қайд этилган турлари ва шакллари асосида тадбиркорлик, ишбилармонлик ва бошқа давлат томонидан таъқиқланмаган

⁷ Ишмухамедов А.Э., Косимов М.С., Джумаев З.А., Жумаев Қ.Х. «Лойиҳа таҳлили». Ўқув қўлланма. Т.: ЎЎУАЖ 2004. 26-бет.

⁸ Муаллиф томонидан шаллантирилди.

фаолиятларни барча инвесторлар томонидан амалий равишда йўлга қўйиш, маблағлар сарфлаш ва уларни амалиётга тадбиқ этиш чора-тадбирларининг йиғиндиси инвестиция фаолиятини англатади.

Бозор иқтисодиётида инвестиция фаолиятини фуқаролар, ҳуқуқий шахслар (корхоналар, фирмалар, акционерлик жамиятлари ва бошқа типдаги мулк эгалари) ва давлат юритади.

Инвестиция фаолиятини молиялаштириш инвесторлар томонидан молиявий ресурсларни жалб қилиш йўли билан кредитлар эвазига, муомалага, қонунчиликда белгиланган ҳолда, қимматли қоғозлар ва заёмлар чиқариш ҳисобига олиб борилади. Ҳукумат тасарруфидаги мулкни хусусийлаштириш туфайли мамлакат микёсидаги манбалар ҳисобига, турли мулк эгаларининг маблағлари, янгидан ташкил этилаётган фондларни улуши, чет эл инвестициялари орқали олиб борилади. Бунда ҳар бир мамлакатнинг инвестиция сиёсати ҳал қилувчи ролни ўйнайди. Инвестиция манбаларидан унумли фойдаланишда мамлакат иқтисодиётини барқарорлиги, миллий валюта бирлигини конвертацияланиши, ташқи иқтисодий муносабатларнинг ривожланиши каби масалалар муҳим рол ўйнайди.


Мамлакатни модернизациялаш жараёнини жаддалаштириш давлат томонидан олиб бориладиган ички молия сиёсатига чамбарчас боғлиқдир. Молиявий ресурсларни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш ҳамда у ёки бу йўналишда сарфлаш ва жамғариш мамлакатда қабул қилинган ва амалиётда фаолият кўрсатаётган тақсимот тизимига боғлиқдир. Мамлакатда қонунчиликни ривожланиши, адолатли қонунлар қабул қилиниши ва уларни ҳаётга тадбиқ этилиши бозор муносабатларини ривожлантиришга, тадбиркорлик, ишбилармонликни кенг кўламда тарқалишига қаратилса, инвестиция манбалари таркибида давлат маблағлари камайиши ҳисобига бошқа мулкдорлар маблағлари ўсиб боради. Ишлаб чиқариш муносабатларини тўғри йўлга қўйиш ва давлатнинг самарали молия сиёсатини юритиши алоҳида аҳамиятга эгадир. Хорижий капиталнинг кириб

келиш даражаси устун даражада мамлакатнинг олиб бораётган молия сиёсатига (фискал сиёсати) боғлиқдир.

Инвестиция фаолиятини олиб боришда муҳим рол ўйнайдиган масала ҳисобланмиш молиялаштиришнинг асосий манбалари таркиби 1-чизмада келтирилган.

Инвестиция манбаларини мулкчилик шаклларида катъий назар қўйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

- инвесторларни ўз молиявий ресурслари (фонда, амортизация ажратмалари, пул жамғармалари, фуқаролар, ҳуқуқий шахсларни жамғармалари ва бошқа манбалар);
- инвесторларни қарзга олган молиявий маблағлари (заём облигациялари банк кредитлари); «инвесторларни жалб қилган молиявий маблағлари (акциялар ва бошқа қимматли қоғозларни сотишдан тушган маблағлар, фуқаро ва ҳуқуқий шахсларни пайлари ва турли хил бадаллар;
- давлат бюджетининг ажратмалари ажратмалар ва бюджетдан фондлар маблағлари ҳисобига;
- хорижий инвестициялар ва кредитлари.



3-чизма. Инвестицияларни молиялаштиришнинг асосий манбалари⁹

⁹ Ш.Эргашева, А. Узоқов. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Иқтисод-молия, 2008, 33-б.

Мамлакатнинг инвестиция сиёсати - бу иқтисодиётнинг устувор тармоқларини ривожлантириш, қўллаб - қувватлаш, марказлашган инвестициялаш жараёнидан номарказлашган инвестиция жараёнига ўтиш, устувор инвестицион лойиҳаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган механизм, услублар йиғиндиси ҳисобланади.


Уй хўжаликлари тасарруфидаги даромаднинг истеъмол қилинмасдан қолган қисми уларнинг жамғармаларини ташкил этади. Классик мактаб вакиллари жамғариш ҳажми фоз ставкасининг функцияси де қарашса Ж.М. Кейнс уй хўжаликларининг истеъмол харажатлари ва жамғаришлари ҳажмини белгиловчи асосий омил уларнинг ишлаб чиқаришда иштирок этишдан олинган даромадлари деб ҳисоблайди. Янада аниқлик киритсак истеъмол ва жамғариш ҳажмини белгиловчи асосий омил уй хўжаликларининг ишлаб топган даромадлари, олган трансферт тўловлари ва тўлаган солиқлари билан белгиланадиган тасарруфидаги даромади (DI – disposable income, ёки Y_d) кўрсаткичидир. Макроиқтисодий назарияда истеъмол ва жамғармалар, миллий даромад ёки шахсий даромадларнинг функцияси сифатида ҳам тадқиқ қилинади.

Уй хўжаликларининг истеъмол харажатлари (C) ялпи талаб ёки ЯИМнинг якуний истеъмолга кўра таркибида энг катта улушга эга бўлган компонентдир.

Истеъмол ва жамғариш ҳажмини белгиловчи асосий омил уй хўжаликларининг ишлаб топган даромадлари, олган трансферт тўловлари ва тўлаган солиқлари билан белгиланадиган тасарруфдаги даромад (Y_d) кўрсаткичидир.

Истеъмол графиги икки тўғри чизиқ кўринишида берилган. Биссектриса кўринишидаги $Y_d = C$ тўғри чизигининг ҳар бир нуқтасида истеъмол ва тасарруфидаги даромад ҳажмлари тенг бўлади. Ҳақиқий истеъмол (C) графиги ҳақиқий истеъмол ва даромад тенг бўлган нуқтада (α) биссектриса билан кесишади. Бўсағавий нуқтадан қуйида ҳақиқий истеъмол даромаддан ошиқ. Бу вазият инсонларнинг қарз ҳисобига ҳаёт кечиришини билдиради. α

– нуктада юкорида хақиқий истеъмол даромаддан кам ҳамда улар ўртасидаги фарқ жамғаришни ташкил этади.



4-чизма. Жамғарма графиги¹⁰

Хақиқий истеъмол тўғри чизиғи истеъмол ҳажмини белгиловчи вертикал ўқни a нуктада кесиб ўтади. Бу ҳол уй хўжаликлари умуман даромад олмаганларида ҳам маълум миқдорда истеъмол қилишларини англатади. a – нукта эса автоном истеъмол ҳажмини билдиради.

$$Y_d = C + S$$

Y_d - тасарруфдаги даромад, C – истеъмол, S - жамғарма

$$\text{Истеъмол функцияси} - C = a + b Y_d$$

$$\text{Жамғариш функцияси} - S = -a + (1 - b) Y_d$$

Бу ерда: a – автоном харажатлар; b – истеъмол ҳажмининг тасарруфдаги даромадга боғлиқлигини ифодаловчи коэффициент.

Юкорида кўрилган формулалар жамғарма маблағларини аниқлашда қўлланилиши мумкин.

¹⁰ Ишмухамедов А., Жумаев З., Жумаев Қ. Макроиктисодиёт. (Ўқув қўлланма).-Т.: Ўзбекситон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2005 й. - 62 б.

1.2. Ташқи балансни таъминлашда ташқи савдони шакллантириш асослари

Маълумки, халқаро савдо-сотиқ экспорт ва импорт шаклда амалга оширилади. Экспорт – товарнинг хорижга чиқарилишини назарда тутувчи сотиш. Импорт – товарнинг хориждан олиб кирилишини назарда тутувчи харид. Савдо айланмаси – экспорт ва импорт ҳажмининг қийматда ифодаланадиган ҳажмлар суммаси.

Экспорт ўлчами товарга бўлган ортиқча таклиф билан, импорт ҳажми эса товарларга бўлган ортиқча талаб миқдори билан белгиланади. Экспорт ва импортнинг нисбати ташқи савдо баланси ҳисобланади, у актив ва пассив ҳолда бўлади. Экспорт импортдан кўп бўлганда, ташқи савдо баланси актив, импорт экспортдан кўп бўлганда, у пассив бўлади. Актив баланс ташқарига товарлар кўп сотилишини, пассив баланс эса улар ташқаридан кўпроқ харид этилишини англатади.

Иқтисодиётнинг экспорт салоҳияти икки омилга боғлиқ бўлади: 1) ишлаб чиқаришнинг ривожланганлик даражаси; 2) ишлаб чиқаришнинг халқаро меҳнат тақсимотидаги иштироки ва ихтисослашув даражаси.

Экспорт ва импорт нархининг нисбатига бир қатор омиллар таъсир этади: 1) муайян товарларга ташқи бозордаги талаб ва шу товарларнинг таклиф этилиши; 2) товарларга мамлакат ичқарисидаги ва ташқарисидаги нархларнинг паст ёки баландлиги; 3) товарларнинг ташқи бозорларга етказиш харажатлари; 4) миллий валюта курсидаги ўзгаришлари; 5) давлатнинг ташқи савдога оид сиёсатининг қандайлиги.

Очиқ иқтисодиёт ривожланиши билан халқаро савдо-сотиқдаги товарлар таркиби ўзгариб туради. Агар XIX асрнинг иккинчи ярмидаги халқаро савдо-сотиқда хомашё, озиқ-овқат ва енгил саноат маҳсулотлари айирбошланган бўлса, XXI асрнинг бошига келиб илмий техникавий янгиликлар, технологик мураккаб маҳсулотлар, шунингдек ахборот технологиялари ва ахборотнинг ўзи сотила бошланди. Ўзбекистоннинг жаҳон бозорида ўзига хос нуфузини таъминлашда халқаро меҳнат

тақсимоти ва ихтисослашуви имкониятларидан самарали фойдаланиши, экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришни барпо этиш ва чуқур қайта ишланган саноат маҳсулотлари экспортини мустаҳкамлаш муҳим аҳамият касб этади. Шу боис, Президент Ислам Каримов: «Мамлакатнинг жаҳон хўжалиги алоқаларида, халқаро меҳнат тақсимотида кенг миқёсда иштирок этиши очик турдаги иқтисодий ва ижтимоий барпо этишнинг асосидир. Биз иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш тадбирларини изчиллик билан амалга ошироқдамиз. Бунда бозор иқтисодиёти – эркин иқтисодиёт эканлиги, у очик тусда бўлиб, яққаланиш ва биқиклик унга ёт эканлигидан иборат ҳақиқатга асосланиб иш тутмоқдамиз. Шу боис иқтисодиётимизнинг келажакда унинг жаҳон хўжалигига қўшилишига боғлиқдир»¹¹, – деб ташқи бозорнинг аҳамиятини таъкидлаб ўтган.

Ўзбекистонда барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлашга унинг жаҳон хўжалиги билан алоқаларининг ривожланиб бораётганлиги, экспорт салоҳияти кенгаётганлиги ва шу мақсадлар кўзда тутилиб белгиланаётган аниқ чора-тадбирлар асос бўлмоқда. Республикада иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва ташқи иқтисодий алоқаларни эркинлаштириш мамлакатнинг XXI асрда ривожланиш стратегиясининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Чунки миллий иқтисодиёт очиклик даражасининг кенгайиши ишлаб чиқариш самарадорлигининг ортишига ва эркин рақобатнинг кучайишига, ички имкониятлар ҳисобига экспорт салоҳиятини оширишга имконият яратади.

Экспорт диверсификацияси, яъни хорижга сотилаётган товарлар ва хизматлар номенклатурасининг кенгайиши, жами экспортда алоҳида товар ёки хизмат тури (айниқса, хом ашё) улушининг катта бўлишига барҳам берилиши, маҳсулотларимиз экспорт қилинаётган мамлакатлар географиясини кенгайтириш экспорт ҳажмининг барқарор бўлишини

¹¹ Каримов И. А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: «Ўзбекистон», 1999. – Б. 267.

таъминлайди, миллий иқтисодиётнинг ташқи бозордаги салбий ўзаришларга таъсирчанлиги даражасини пасайтиради.

Экспорт салоҳиятини ошириш барқарор валюта тушумларини таъминлашга ва жаҳон бозорида муносиб ўрин эгаллашга олиб келади. Шунинг учун республика экспорт салоҳиятини оширишда ички ижтимоий-иқтисодий имкониятлардан ва нисбий афзалликка эга бўлган соҳалар маҳсулотларидан унумли фойдаланилмоқда. Айни пайтда аҳоли даромадларининг аҳамиятли даражада ортиб бориши миллий иқтисодиётнинг барқарор суръатларда ривожланиши билан бирга ташқи савдо ва экспорт фаолиятининг самарадорлигини ҳам талаб этади.

Иқтисодиётни тубдан таркибий ўзгартириш ва экспорт тузилишини диверсификация қилиш орқали ташқи бозорларга чиқарилаётган товарлар ва хизматлар номенклатурасини кенгайтириш самарадорликни оширишга олиб келади. Чунки хорижий мамлакатларга сотилаётган маҳсулотлар таркибида алоҳида товарлар ёки хизматлар турларининг, хусусан, табиий ресурс ва хомашёлар салмоғининг ортиб кетиши, агар жаҳон бозорида бу маҳсулотларнинг нархи пасайиб кетса ёки уларга ташқи талаб камаядиган бўлса, мазкур вазиятларда экспортчи мамлакатлар оғир ва танг ҳолатларга дуч келиши мумкин.

Миллий экспорт ҳажмининг қисқариши ва савдо шартларининг ёмонлашуви валюта тушумларининг камайишига, ташқи савдо балансининг беқарорлашувига ва экспортчи корхоналар молиявий аҳволининг танглашишига олиб келади. Шунингдек, мамлакатнинг умумий экспорти ёки импортида кам сонли давлатлар улушининг катталиги, у мамлакат ташқи савдосининг ана шу санокли мамлакатлар иқтисодиётидаги ўзгаришларга боғлиқ бўлиб қолади. Шу боис ташқи савдо таркибини диверсификация қилишдан ташқари, унинг мамлакатлар географиясини ҳам кенгайтириш ва хилма-хиллаштириш зарур.

Бу эса кўзда тутилган натижаларни қўлга киритишга, миллий хўжаликнинг ташқи бозордаги салбий ўзгаришларига таъсирчанлигини пасайтиради.

Ташқи савдо айланмаси – мамлакат, мамлакатлар гуруҳи ташқи савдо фаолияти ҳажмининг пул кўринишидаги ифодаси бўлиб, муайян вақт оралиғидаги (масалан, йил давомидаги) экспорт ва импорт ҳажмининг йиғиндисига тенг бўлади.

Ташқи савдо айланмаси сальдоси – мамлакат экспорти ва импорти ҳажмлари ўртасидаги фарқ, тафовут.

Мамлакат тўлов баланси – мамлакат резидентлари (уй хўжаликлари, корхоналар ва давлат) ва чет элликлар ўртасида маълум вақт (одатда бир йил) оралиғида амалга оширилган барча иқтисодий битимлар бўйича тўловлар суммасининг нисбати бўлиб, у ўз ичига савдо баланси, хизматлар баланси, ўтказмалар баланси ва капитал операцияларини олади. Ташқи савдо таркибини диверсификация қилиш ва мамлакатлар географиясини такомиллаштириш мақсадида олиб борилган чора-тадбирлар ўзининг самарали натижасини бермоқда. Республикамизнинг ташқи савдоси ва экспорти ҳажми барқарор суръатларда ўсиб, таркиби изчил такомиллашиб бормоқда. Бундай ютуқларга эришишда асос бўлган омиллар ҳақида Президент Ислом Каримов: «Бизнинг кейинги йилларда экспорт соҳасида қўлга киритган ютуқларимиз, аввало, мамлакатимиз иқтисодиётини тубдан таркибий ўзгартириш ва диверсификация қилиш, қисқа муддатда биз учун мутлақо янги, локомотив ролини бажарадиган тармоқларни барпо этиш, ишлаб чиқаришнимодернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш дастурларини амалга ошириш, замонавий бозор инфратузилмасини шакллантириш борасида ўз вақтида бошланган, чуқур ўйланган ва узоқ истиқболга мўлжалланган ишларимизнинг натижасидир»¹² – деб таъкидлаган.

¹² Каримов И. А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: «Ўзбекистон», 2009. – Б. 54–55.

Мамлакатларнинг технологик жиҳатдан чуқур қайта ишланган ва тайёр рақобатдош товарлар экспортини жадаллаштириш ва бу маҳсулотлар етказиб берилаётган мамлакатлар географиясини изчил равишда кенгайтириб бориш унинг ташқи савдо ва экспорт ҳажмини барқарор ривожлантиришга, жаҳон бозоридаги салбий ўзгаришлар таъсири ва хавф-хатарлардан ҳимоялашга шароит яратади. Қолаверса, ташқи бозорларга таклиф қилинаётган товарлар таркибини диверсификациялаш, уларни харид қилувчи давлатлар география- сини кенгайтириш, бу мамлакатлардан бири ёки бир нечтасининг иқтисодиётида содир бўлган муаммолар туфайли экспорт ҳажми кескин камайиб кетишининг олдини олиш имкониятини таъминлайди.

Ташқи савдо шаклланишининг объектив зарурияти қуйидаги омиллар орқали изоҳланади:

- капиталистик ишлаб чиқаришнинг ривожланиши оқибатида дунё бозорларининг юзага келиши;

- турли мамлакатларда муайян тармоқларнинг номутаносиб тарзда ривожланиши ва нисбатан тезкор ривожланган тармоқ маҳсулотларининг ички бозорларда айирбош қилиш имкониятларининг чекланганлиги;

- тўхтовсиз иқтисодий ривожланиш шароитида ишлаб чиқариш кўламида чексиз кенгайиш аломатларининг кузатилганлиги ва ички талаб чегарасидан ортиқча ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ташқи бозорларга олиб чиқиш заруратининг юзага келганлиги;

- тинчлик, барқарорлик шароитида давлатлараро муносабатларнинг таркиб топганлиги;

- халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви шароитида ишлаб чиқариш ва капиталнинг интеграциялашуви;

- илмий-техника тараққиёти асосида янги ишлаб чиқариш тармоқдарининг юзага келганлиги ва жаҳон бозорида халқаро корпорациялар ролининг ортиб борганлиги;

- халқаро савдонинг ГАТТ/ЖСТ (Жаҳон Савдо Ташкилоти) доирасида қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар ва халқаро савдо келишувлари асосида тартибга солиниши;

- халқаро савдонинг эркинлашуви шароитида "эркин савдо ва иқтисодий зоналар" нинг ташкил топганлиги;

- халқаро интеграция жараёнларининг ривожланиши шароитида ҳар хил давлатлараро ва минтақавий тўсиқларнинг олиб ташланаётганлиги натижасида умумий бозорларнинг юзага келаётганлиги.

Ташқи савдони, хусусан, экспортни ривожлантириш ва экспорт қилувчи корхоналарни изчил қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилган чоратadbирлар миллий иқтисодиётимизнинг экспорт салоҳиятини юксалтиришга, ташқи савдо таркибини чуқурлаштиришга ва унинг ҳажмини барқарор суръатларда ўстиришга асос бўлади.

1.3. Макроиқтисодий мувозанатни таъминлашнинг услубий жиҳатлари

Мамлакатда макроиқтисодий мувозанатни таъминлашда инвестиция салоҳиятдан унумли фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Бунда ҳар йили давлат томонидан инвестиция дастури шакллантирилиб, у дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарори билан тасдиқланади.

“Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги Инвестиция дастури тўғрисида”¹³ги Қарорга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги томонидан Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, бошқа манфатдор вазирликлар, идоралар ва хўжалик субъектлари билан биргаликда ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги Инвестиция дастурининг асосий параметрлари тасдиқланди.

¹³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 ноябрдаги 1855-сонли "Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги Инвестиция дастури тўғрисида"ги Қарори.

«Барқарор ривожланиш» тушунчаси бугунги кунда 30 дан ортиқ йўналишлардаги тушунчалар билан ифодаланмоқда. Ушбу тушунчалар бўйича олимлар ўртасида ягона фикрнинг йўқлиги турли хил ёндашувларни юзага келтирмоқда. Лекин, уларнинг асосида инсон манфаатлари ва турмуш даражасини яхшилашга қаратилган, иқтисодий, ижтимоий ва экологик умумийлик мавжуд.

Шунингдек, барқарор ривожланиш бўйича олиб борилган тадқиқотларда ҳам «барқарор ривожланиш»ни аниқлаш ва унга илмий таъриф беришда турли ёндашувлар мавжуд бўлиб улар қуйидагилардан иборат:

- «бир текис», «инқирозларсиз» барқарор ривожланиш;
- экологик нуқтаи назаридан барқарор ривожланиш;
- иқтисодий ва экологик нуқтаи назаридан барқарор ривожланиш;
- иқтисодий, экологик, ижтимоий, сиёсий, минтақавий, ҳуқуқий, технологик, ахборот ва бошқарув нуқтаи назаридан барқарор ривожланиш.

Барқарор ривожланишни «бир текис», «инқирозларсиз» деб тушуниш бу нисбий ёндашувдир. Ваҳоланки, жамият ривожланиши табиат сингари босқичли-генетик қонуниятлар орқали амалга оширилади. Турли фаолият босқичлари барча соҳаларда ўзаро бирикиб, мураккаб жараёни ташкил этади. Инқироз давлари эса босқичлар алмашганда мавжуд бўлади. Барқарор ривожланиш эса инқирозларни инкор этмайди, балки, уларнинг муқаррарлигини, улар билан боғлиқ бўлган йўқотишларни максимум даражада енгиллаштириш, муддатларини қисқартириш ҳамда жамият ва табиат динамикаси мутаносиблигини таъминлайди.

Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 12 ноябрдаги № 510 сонли «Ўзбекистон Республикасини барқарор ривожлантириш миллий комиссияси тўғрисида»¹⁴ги қарорига мувофиқ мамлакатимизда барқарор ривожланиш Миллий комиссияси ташкил этилди. Комиссия раҳбарлигида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тараққиёт дастури (ПРООН) техник ёрдами

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 12 ноябрдаги №510-сонли «Ўзбекистон Республикасини барқарор ривожлантириш миллий комиссияси тўғрисида» ги Қарори.

билан миллий экспертлар томонидан «Ўзбекистон Республикасининг барқарор ривожланиш концепцияси», «Ўзбекистон Республикасининг барқарор ривожлантириш стратегияси» тайёрланди.

Барқарор ривожланишга экологик, ижтимоий, иқтисодий муаммолар мувофиқлашган ва бир-бирига боғланган ечими орқали ўтишда қуйидаги чора-тадбирларни ҳисобга олинган бўлиши керак:

-табiiй шароитларни ҳисобга олган ҳолда ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш, аҳоли турмуш шароитини юқори даражага кўтариш учун инсон капитали ривожланишини таъминлаш;

-иқтисодий ўсиш даражасини оптимал таъминлаш йўли билан ҳозирги ва кейинги авлод учун табiiй салоҳиятни сақлаш;

-экологик мувозанат омилларини ҳисобга олган ҳолда мамлакатни барқарор ривожланишига эришиш;

-халқаро ва ҳудудий миқёсдаги келишувларга мувофиқ ҳолда экологик, иқтисодий ва ижтимоий муаммолар ечимини топиш;


-мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда экологик императларни таъминловчи ҳуқуқий – норматив база ва механизмларни шакллантириш.

Таъкидлаш жоизки, барқарор ривожланишни бошқариш ўзининг турли даражаларида ўзига хос хусусиятларига эга.

1-босқичда БМТнинг Барқарор ривожланиш концепциясига асосан ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда алоҳида давлатлар миқёсида барқарор ривожланиш миллий концепцияси ишлаб чиқилади ва ягона методологик, методик базани шакллантириш, ташкилий таркиб, техник ва молиявий ёрдам механизми муҳокама қилинади.


2-босқичда минтақа ва тармоқлар миқёсида барқарор ривожланиш механизмларини амалга оширишнинг аниқ чора-тадбирлари ишлаб чиқилади.

Қуйи босқичларда эса барқарор ривожланишнинг иқтисодий, ижтимоий, экологик хусусиятларни қамраб олувчи механизмлар, чора-тадбирлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилади.



5-чизма. Барқарор ривожланишнинг шаклланиш схемаси¹⁵

Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётни эркинлаштириш билан боғлиқ стратегик вазифаларни ҳал этишда минтақаларда аграр тармоқни ривожлантиришнинг ўзига хос ижтимоий-иқтисодий хусусиятларини ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эга. Бундай ёндашув минтақалар ва тармоқнинг, пиروвард натижада эса мамлакатнинг барқарор иқтисодий ривожланишини таъминлашга ижобий таъсир кўрсатади.



6-чизма. Барқарор иқтисодий ўсишнинг самарадорлик мезонлари тизими¹⁶

¹⁵ Ўлмасов А., Ваҳобов А. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. –Т.: “Шарк” нашриёти, 2007.-63 б.

¹⁶ Ўлмасов А., Ваҳобов А. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. –Т.: “Шарк” нашриёти, 2007.-74 б

Иқтисодиётни барқарор ривожлантиришда умумдавлат ва тармоқлар даражасида ҳудудий вазифаларни ҳал қилиш, иқтисодий тараққиётга эришишда ишлаб чиқариш кучларининг сифат жиҳатдан ислоҳ қилиниши ва ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллашуви, меҳнат, моддий ва табиий ресурсларни вилоятлараро ва туманлараро интеграциялашувидан фойдаланиш, замонавий фан-техника ютуқларини изчиллик билан ва ҳар жойда қўлланилиши биринчи даражали аҳамиятга эга. Ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг ушбу қудратли омилларидан самарали фойдаланишга минтақа ва тармоқ иқтисодиётини илмий асосланган бошқариш тизими амал қилгандагина эришилади.

Бунда иқтисодиётнинг муҳим вазифаси турли хил туманлар ишлаб чиқариш кучларини режавий интеграциялаш ва ижтимоий муҳитни бошқаришдан иборат бўлса, аграр тармоқ иқтисодиётининг муҳим вазифаси қишлоқ хўжалиги салоҳияти ва имкониятидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва ривожлантиришда бозор тамойилларини кенг жорий этиш орқали бошқаришни ўз ичига олади. Аграр тармоқ иқтисодиётини бошқариш даражаси бевосита унинг барқарор ривожланишини таъминлашнинг муҳим омили ҳисобланади.

“Жамият ривожланишининг ҳозирги босқичида тармоқларни ҳудудлар салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда ривожлантириш ва бошқариш катта аҳамият касб этмоқда. Бу объектив жараённи шу билан изоҳлаш мумкинки, биринчидан, мамлакат аграр иқтисодиётининг барча ҳудудий бўлинмаларини ягона марказдан бошқариш ва мукамал тартибга солиш нафақат қийин, балки кам самарали ҳам бўлиб қолмоқда. Бу тизим маъмуриятчилик ва бюрократизм аломатларига эга бўлиб, бозор иқтисодиётида хўжалик юритишнинг демократик тамойилларига тубдан зиддир. Иккинчидан, барча ҳудудларда иқтисодиётни бошқаришнинг умумдавлат мақсадлари ва мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш вазифаларидан келиб чиқиб, ҳудудларнинг аниқ шароитларида маҳаллий хусусиятларни ҳисобга

олган ҳолда иқтисодий-ижтимоий тараққиётни белгилаш жуда долзарб ва муҳим масала сифатида юзага чиқмоқда.”¹⁷

Шундай қилиб ҳудудлар мамлакат тармоқларнинг таркибий ташкилий қисми бўлсалар ҳам, улар режалаштириш ва бошқаришнинг мустақил объектлари сифатида фаолият юритишлари лозим. Минтақада тармоқларни барқарор ривожлантиришда ҳудудий ёндошишни кучайтиришдан асосий мақсад, ҳудудларда комплекс иқтисодий ва ижтимоий ривожланишни таъминлашдир, бу вилоят ва туманларда моддий ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, интенсивлаштириш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишни кўзда тутди.

“Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг асосий омилларини тизимлаштиришда қуйидаги ҳолатларни ҳисобга олиш лозим. Дунё миқёсида ишлаб чиқилган ва қабул қилинган барқарор ривожлантириш концепцияси қишлоқ хўжалигида технологик, экологик, ижтимоий, микроиқтисодий ва макроиқтисодий барқарорлик жиҳатларига эътибор кучайтирилишини талаб этмоқда. Технологик барқарорликда – қишлоқ хўжалиги ерлари ва тупроқ унумдорлигини сақлаб қолиш; экологик барқарорликда – атроф муҳитга ва умуман ноқишлоқ хўжалик соҳаларига зарар етказмаслик; ижтимоий барқарорликда – қишлоқ аҳолисининг даромадлари кўпайиши ҳисобига уларни турмуш даражасининг ортиши, қишлоқ инфратузилмасининг ривожланиши; микроиқтисодий барқарорликда – қишлоқ хўжалиги корхоналарини иқтисодий жиҳатдан мустақил фаолият юритиши; макроиқтисодий барқарорликда – ички бозорларни маҳсулот билан таъминлаш ва ташқи бозорларда рақобатбардош бўлиши тушунилади. Шунингдек, биринчидан, аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига, саноатнинг хомашёга бўлган эҳтиёжларини таъминловчи ишлаб чиқариш даражасига,

¹⁷ Бекмуродов А.Ш., Ғафуров У.В. Ўзбекистонда иқтисодиётни либераллаштириш ва модернизациялаш: натижалар ва устувор йўналишлар. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2007.- 55б.

иккинчидан, қишлоқ аҳолисининг даромадалари кўпайиши натижасида қишлоқ аҳоли пунктларини ривожлантириш ва қишлоқда қулай турмуш тарзини шакллантиришга, учинчидан, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва ҳолатини яхшилашга эришилганда қишлоқ хўжалигини барқарор деб ҳисоблаш мумкин.¹⁸

Юқордагилардан келиб чиқиб, иқтисодиётда мувозанатни таъминловчи омилларни қуйидагича тизимлаштириш мумкин.



7 – чизма. Иқтисодиётни барқарор ривожлантиришга таъсир этувчи омиллар¹⁹

¹⁸ Ходиев Б.Ю., Шодмонов Ш.Ш., Ғафуров У.В. Мамлакатни жадал ислоҳ этиш ва модернизация қилиш – миллий тараққиётимизнинг мантиқий босқичи / Илмий-оммабоп рисола.- Т.: ТДИУ, 2008. -63б.

¹⁹ Ўлмасов А., Ваҳобов А. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. –Т.: “Шарқ” нашриёти, 2007.- 87 б.

Иқтисодиётни барқарорлигини аниқловчи асосий омиллардан бири – маҳсулотларни сотиш имкониятлари ва шароитларидир. Ҳозирда миллий иқтисодиёт ишлаб чиқарувчилари маҳсулотларини сотишда турли муаммоларга дуч қелишмоқда. Жумладан: ишончли тайёрлов ташкилотлари тизими йўқлиги, баҳоларнинг пастлиги, экспорт ва импортдаги турли муаммолар. Моддий ресурсларнинг етишмаслиги шароитида илмий-технологик ва техника омилларнинг аҳамияти ортиб боради.

Ривожаланган давлатлар тажрибаларининг кўрсатишича, энергия ва ресурсларни тежовчи технологиялар, иқтисодиётни барқарорлигини таъминлаган ҳолда, харажатларни 25-30 фоизга қисқартириш имкониятини беради. Шунинг учун, энергия сиғимини камайтирувчи ва барқарорликни таъминловчи стратегия, самарали технологияларни ва фан-техниканинг янги ютуқларини қўллаган ҳолда янада такомиллаштиришни ҳам ўзида акс эттириши лозим.

Иқтисодиётни барқарор ривожланиши, барқарор ривожланишнинг асосий йўналишларини белгилаш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини нисбий баҳолашда бир-бирига алоқадор ва бир-бирини тўлдирувчи назарий асосланган кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш зарурияти пайдо бўлади.

Шуни таъкидлаш жоизки, ҳозирги давргача ҳам иқтисодчи олимлар ва мутахассислар томонидан «Барқарор ривожланиш, барқарор ишлаб чиқариш ва барқарорлик»ни баҳолашда қайси аниқ кўрсаткичлардан фойдаланиш тўғрисида бир фикрга келинмаган.

II боб. Ўзбекистон иқтисодиётида ички ва ташқи балансни таъминлаш кўрсаткичлари таҳлили

2.1. Мамлакатда ички балансни таъминлашда инвестиция сиёсатини ривожланиш кўрсаткичлари таҳлили

Мамлакатда иқтисодий ўсишга, аҳоли турмуш даражасини оширишда инвестиция дастурларининг ижобий бажарилиши катта аҳамият касб этади. Бу борада Ислом Каримов куйидаги фикрни таъкидлаб ўтдилар: “Мамлакатимиз бўйича инвестиция дастурларини амалга ошириш натижасида қарийб 250 миллиард сўмлик асосий фондга эга бўлган жами 423 та объект, жумладан, озиқ-овқат саноатида 145 та, қурилиш материаллари саноатида 118 та, енгил ва тўқимачилик саноатида 65 та, қишлоқ ва ўрмон хўжалиги соҳасида 58 та, кимё ва нефт-кимё саноатида 13 та, фармацевтика тармоғида 8 та объект ишга туширилди.”²⁰


Мамлакат иқтисодиётига киритиладиган инвестициялар миқдори барқарор равишда ошиб бораётгани Ўзбекистонда инвестиция салоҳиятидан қанчалик даражада тўғри фойдалиниб келинаётганидан далолат беради.

Ҳозирда Ўзбекистон Австрия, АҚШ, Хитой, Туркия, Европа Иттифоқи ва бошқа ривожланган мамлакатлар билан чуқур ҳамкорлик қилиб келмоқда. 2010 йилги Давлат инвестиция дастурида бу давлатларнинг йирик компания ва банклари, шунингдек йирик халқаро молия институтлари қатнашмоқда.

Ўзбекистон иқтисодиётига йўналтирилган инвестициялар миқдори 2006 йилда 2005 йилга нисбатан 9,3 фоизга ўсган бўлса, 2010 йилда 9,2 фоизга, 2011 йилда эса 12,6 фоизга ўсди.

Республикалда амалга оширилаётган жадал инвестиция сиёсати натижасида 2012 йилда бу ўсиш темпи 114 фоизни ташкил этиб, иқтисодиётни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта қурулантириш ҳамда шу билан бир қаторда аҳоли даромадларини оширишга ижобий тарзда таъсир ўтказди.

²⁰ И.А.Каримов. Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни баргараф этишнинг йўллари ва чоралари. Тошкент, 2009 йил март.



8-чизма. Ўзбекистон Республикасида инвестицияларнинг ўсиш суръатлари (олдинги йилга нисбатан фоизда)²¹

Куйида келтирилган жадвал маълумотларидан 2005-2012 йилларда инвестицияларнинг молиявий манбалар таркибининг ўзгариш динамикаси кузатиш мумкин. Унда, чет эл инвестицияларининг жами инвестициялардаги улуши йилдан-йилга ортиб бораётганини, яъни бу кўрсаткич 2005 йилда 19.2% га тенг бўлган бўлса, 2010 йилга келиб, 28,8%га етганини кўриш мумкин.

1-жадвал

2005-2012 йилларда инвестициялар таркибини ўзгариши (фоизда)

Молиялаштириш манбалари	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012
Давлат бюджети	12,7	10,7	9,0	9,0	8,1	7,4	5,1	4,5
Чет эл инвестициялари	19,2	19,0	22,8	25,8	32,4	28,8	25,3	25,5
Корхоналар ва аҳоли маблағлари	60,3	60,0	59,0	53,9	46,9	47,3	49,0	42,6
Бошқа манбалар	7,8	10,3	9,2	11,3	12,6	16,5	20,6	27,4

Манба: Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги

Корхона ва аҳоли маблағлари жамига нисбатан энг катта ўринни эгаллаб, 2008 йилда 53.9% га, 2010 йилда 47,3 %га тенг бўлиб, бу ҳол 2011

²¹ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари асосида

йилда 49 %га ҳамда 2012 йилда 42,6 фоизга тенг бўлган. Бундан хулоса қилиш мумкинки, корхона ва аҳоли маблағларини инвестиция жараёнига жалб қилиш суръатлари йилдан-йилга кўпайиб бормоқда.

Хусусан, 2013 йил давомида аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектлар даромадининг ошиши ҳисобига республикамиздаги молия институтлари ресурс базасининг кенгайиши банклараро пул бозоридаги ресурслар таклифининг кўпайишига ва ўз навбатида, молиявий ресурслар нархининг арзонлашишига сабаб бўлди.

Жумладан, 2012 йил давомида банклараро пул бозоридаги операциялар бўйича ўртача тортилган фоиз ставкаси йиллик ҳисобда 10,9 фоизни ташкил этган бўлса, 2013 йилда ушбу кўрсаткич 9,9 фоизга тенг бўлди.

Мамлакат ялпи ички маҳсулотининг ва унга мос равишда аҳоли даромадларининг йилдан-йилга юқори суръатлар билан ўсиши, банк тизимига бўлган ишончнинг ортиб бориши ҳамда иқтисодиётдаги инфляцион кутилмаларнинг пасайиб бориши каби омиллар таъсирида 2013 йилда банк депозитлари бўйича фоиз ставкаларининг пасайиши кузатилди.

Хусусан, жисмоний шахсларнинг тижорат банкларидаги жами депозитлари бўйича ўртача тортилган фоиз ставкаси 2012 йилдаги ўртача йиллик 7,7 фоиздан 2013 йилда 7,1 фоизгача пасайди.

Юридик шахсларнинг жамғарма ва муддатли депозитлари бўйича ўртача тортилган фоиз ставкалари 2012 йилдаги ўртача йиллик 6,2 фоиздан 2013 йилда 6,0 фоизгача пасайди.

Шунингдек, банклараро пул бозоридаги операциялар ҳамда депозитларни жалб қилиш бўйича фоиз ставкаларининг пасайиши натижасида тижорат банкларининг актив операциялари бўйича, жумладан, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини кредитлаш бўйича фоиз ставкаларининг ҳам пасайиши кузатилди.

Жумладан, тижорат банклари томонидан иқтисодиётнинг реал сектори субъектларига ажратилаётган кредитлар бўйича ўртача тортилган фоиз

ставкаси 2012 йил декабрь ойида 13,6 фоизни ташкил этган бўлса, 2013 йилда 13,0 фоизгача пасайди.

Қуйидаги жадвал маълумотларига кўра 2011-2012 йилларда асосий капиталга киритилган инвестициялар миқдори мамлакат ЯИМсининг қарийб тўртдан бир қисмини ташкил этиб келмоқда.

Агар ушбу маълумотларни тақсимотига эътибор қаратадиган бўлсак, мустақиллик йиллари бошига нисбатан иқтисодиётга ишонч сезиларли даражада ошганини кўриш мумкин. Бу фикрнинг исботи марказлашган ва марказлашмаган инвестициялар пропорциясида яққол кўриниб туради, яъни ушбу нисбат ҳозирги кунга келиб деярли 20:80га тенглашди. Бу ҳол мустақиллик йилларининг бошларида эса тескари кўринишга эга эди.

Мамлакатимизда ижтимоий йўналтирилган демократик давлат тузиш пайида эканмиз бюджет маблағларининг катта қисми шу соҳага йўналтирилиши тайин. Айнан шу маънода бюджет маблағларининг 1 трл сўми ёки 4,5 фоизи иқтисодиёт соҳасига инвестиция сифатида йўналтирилган бўлиб, бу ҳол 2005 йил бюджетнинг 12,7 фоизидан иборат эди.

Умумий ҳисобда 2011 йилда мамлакат иқтисодиётига 20,7 трл сўм маблағ йўналтирилган бўлса, бу кўрсаткич 2012 йилга келиб қарийб 4 трл сўмга кўпроқ миқдорни ташкил этди.

Умумий инвестициялар таркибида қишлоқ жойларда уй-жойлар қуриш учун имтиёзли кредитлари улуши ҳам талайгина суммани шакллантирмоқда. 2012 йилнинг ўзида бу мақсадда давлат кафолати остидаги хорижий инвестициялар 300 млрд сўмдан ортиқ бўлган бўлса, тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари ҳисобидан эса, 222 млрд сўмдан кўп миқдорда инвестициялар йўлланди.

Инвестиция дастури бўйича мамлакатга киритилган марказлашмаган инвестициялар миқдори қарийб 18 трл сўм бўлиб, шундан 6,8 трл сўми корхона маблағларидан, 4,3 трл сўми тўғридан-тўғри хорижий инвесторлар маблағларидан ҳамда 3,2 трл сўми аҳоли маблағларидан ташкил топди.

Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастурида кўзда тутилган капитал қўйилмаларнинг асосий параметрлари (млн. сўм)

№	Молиялаштириш манбаларининг номланиши	2011 йил	2012 йил
	Жами капитал қўйилмалар, шундан:	<u>20721845</u>	<u>23679701</u>
1.	Марказлашган инвестициялар:	4 969 491	5 740 892
1.1.	Бюджет маблағлари	950 000	1 059 254,4
1.2.	Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси	105 000	115 560
1.3.	Бюджетдан ташқари фонлардан, жумладан, - Республика йўл жамғармаси - Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси - Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси - Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини ривожлантириш жамғармаси	911 834 609800 139930 162104	1 431 777 680 796 158 147 545 836 46 997,6
1.4.	Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси (сўм эквивалентида)	1 353 527	1 432 400
1.5.	Давлат кафолати остидаги хорижий инвестициялар ва кредитлар (сўм эквивалентида), шундан: <i>қишлоқ жойларда уй-жойлар қуриши (сўм эквивалентида)</i>	1 376 130 <i>171 750</i>	1 701 901 <i>301 564</i>
2.	Марказлашмаган инвестициялар:	16 025 354	17 938809
2.1.	Корхона маблағлари	7 536 261	6 835 725
2.2.	Тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари, шу жумладан: <i>Қишлоқ жойларда уй-жойлар қуриши учун имтиёзли кредитлари</i>	2 069 185 196 289	3 524 824 222 070
2.3.	Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар (сўм эквивалентида)	3835109	4 340 656
2.4.	Аҳоли маблағлари	2 584 800	3 237 604

Манба: Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари

Бунда эътиборли жиҳати шуки, хорижий инвесторларнинг иқтисодиётимизга ишончи йилдан йилга ортиб бормоқда, яъни 2011 йилга нисбатан 2012 йилнинг ўзида хорижий инвесторлар маблағлари ҳисобига киритилган инвестиция ва кредитлар миқдори қарийб 500 млрд сўмга кўпайган.

Ривожланаётган барча мамлакатлар қатори Ўзбекистон ҳам иқтисодий ривожланиш лойиҳаларини молиялаш учун чет эл капиталини асосан ташқи кредитлар шаклида жалб этмоқда. Улардан фойдаланиш мажбурий чорадир, чунки ички инвестиция ресурслари ҳамда бевосита чет эл инвестицияларини жалб этиш имкониятлари чекланган.

Ўзбекистонда инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва баҳолаш тизимини самарали таъминлашнинг энг муҳим омиллари капиталлар бозорини ривожлантиришдан, бу жараёнга чет эл инвестицияларини фаол жалб қилишдан иборат.

2.2. Мамлакат иқтисодиётида ташқи савдо сиёсатини юритилиш ҳолати таҳлили

Ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш ва рақобатдош маҳсулотларнинг янги турларини ўзлаштириш бўйича қабул қилинган биринчи навбатдаги чора-тадбирлар дастурига мувофиқ, 2012–2016 йилларда ҳисоб-китоблар бўйича қиймати 6 миллиард 200 миллион доллар бўлган 270 дан зиёд инвестиция лойиҳасини, шунингдек, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича тармоқ дастурларини амалга ошириш кўзда тутилмоқда»²². Ўзбекистоннинг ташқи савдо айланмаси мустақиллик йилларида такомиллашди. Уни кўйидаги жадвалларда кўриш мумкин.

Мамлакатимизда ишлаб чиқарувчиларни ички ва ташқи бозорларда рақобатдошлигини ошириш, экспортни диверсификация қилиш ва унинг

²² Қаримов И. А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтара- диган йил бўлади. – Т.: «Ўзбекистон», 2012. – Б. 19–21

таркибий тузилишини такомиллаштириш борасидаги XIX асрнинг биринчи ўн йиллигида амалга оширилган чора-тадбирлар туфайли экспортимизнинг товар таркибида муттасил ижобий силжиш жараёни рўй бермоқда.

3-жадвал

Ўзбекистон ташқи савдо айланмаси динамикаси (млн. АҚШ долл.)

Йиллар	Жами ташқи савдо айланмаси	Шу жумладан	
		Экспорт ҳажми	Импорт ҳажми
2000	6212,1	3264,7	2947,4
2003	6689,2	3725,0	2964,2
2004	8669,0	4853,0	3816,0
2005	9500,1	5408,8	4091,3
2006	10785,7	6389,8	4395,9
2007	15719,6	8991,5	6728,1
2008	21197,3	11493,3	9704,0
2009	21209,6	11771,3	9438,3
2010	21844,2	13044,5	8799,7
2011	25537,1	15027,2	10509,9
2012	26415,9	13903,3	12526,5
2013	28886	15087,2	13798,8

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси

Хусусан, экспорт ҳажмида қайта ишланган ва илмталаб товарларнинг салмоғи жадал суръатларда ортиб бораётган бир даврда, пахта толасининг экспортдаги улуши изчиллик билан қисқариш тенденциясига эга.

2012 йил якунларига кўра, Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо айланмаси 2011 йилнинг шу даврига нисбатан қарийб 100,5 фоизни ташкил этиб, 26,4 млрд. АҚШ долларига тенг бўлди. Шу жумладан, умумий экспорт ҳажми 2011 йилга нисбатан 111,6 фоиз ёки 13,1 млрд. АҚШ долларини,

импорт эса 109 фоиз ёки 12,0 млрд. АҚШ долларини ташкил этди. Ташқи савдо айланмасидаги ижобий сальдо 1 миллиард 120 миллион доллардан ошди.

4-жадвал

Ўзбекистоннинг ташқи савдо кўрсаткичлари динамикаси, млрд.долл.

Йиллар	Ташқи савдо айланмаси	Экспорт	Импорт	Сальдо
1990	0,8	0,44	0,36	0,08
2000	6,2	3,3	2,9	0,4
2010	21,8	13	8,8	4,2
2012	26,4	13,1	12	1,1

Манба: Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011, 60-б.

Жадвалдан кўринадики, 1990-2012 йиллар давомида мамлакатимизда ташқи савдо айланмаси ҳажми 33 марта, экспорт ҳажми 29,8 марта ўсган. Экспортни рағбатлантириш борасида олиб борилаётган чора-тадбирлар ва маҳаллийлаштириш дастурининг изчил амалга оширилиши натижасида республикаимиз тўлов балансининг, хусусан, ташқи савдо балансининг барқарорлиги сақлаб қолинди.

2012 йилда экспорт ҳажми сезиларли равишда, яъни 11,6 фоизга ўсди, экспорт қилинаётган маҳсулотлар таркибида хомашё бўлмаган тайёр товарларнинг улуши 70 фоиздан зиёдни ташкил этди.

Жадвалдан кўринадики, 2012 йилда олдинги йилга нисбатан мамлакатимизда ёқилғи ва нефть маҳсулотлари экспорти деярли 1,8 марта, хизматлар экспорти эса 1,3 марта ошган. Озиқ-овқат маҳсулотлари экспорти эса ўтган йилги даражадан деярли 2,3 марта камайган.

2012 йил якунларига кўра Ўзбекистон Республикасининг экспорт таркиби, млн.долл.

Экспорт таркиби	Жами		
	2012 йил учун	2011йилга нисбатан (% да)	натижага нисбатан (% да)
Жами:	13150,1	111,6	100
пахта толаси	1259,7	93,5	9,6
озик-овқат маҳсулотлари	878,4	44,1	6,7
кимёвий маҳсулотлар ва улардан тайёрланган буюмлар	764,8	91,2	5,8
ёқилғи ва нефть маҳсулотлари	4921,2	177,1	37,4
қора ва рангли металлар	1055,2	94,6	8,0
машина ва ускуналар	917,7	91,9	7,0
хизматлар	2314,2	130,6	17,6
бошқалар	1034,9	48,8	7,9

Манба: http://www.mfer.uz/uzb/tashqi_savdo/

Шуниси диққатга сазоворки, экспорт қилинаётган маҳсулотлар таркиби ва сифати яхшиланиб бормоқда. Буни экспорт таркибининг йиллар бўйича динамикаси орқали кузатиш мумкин.

Жадвалдан кўринадики, 1990-2012 йиллар давомида экспорт таркибида пахта толасининг улуши 59,7 фоиздан то 9,6 фоизга қадар, яъни 6 баравардан кўпроқ қисқарди. Натижада экспортнинг хомашёга боғланиб қолиш муаммоси тўла барҳам топди.

Аксинча, хизматлар экспортининг улуши 13,5 марта, машина ва ускуналар – 4,1 марта, кимёвий маҳсулотлар ва улардан тайёрланган буюмлар – 2,5 марта, ёқилғи ва нефть маҳсулотлари – 2,2 марта, озиқ-овқат

маҳсулотлари экспортининг улуши 1,7 марта ўсганлиги экспорт қилинаётган маҳсулотлар таркибида хомашё бўлмаган тайёр товарларнинг улушининг ошишига ҳамда экспорт қилинаётган маҳсулотлар таркиби ва сифати яхшиланишига замин яратди.

6-жадвал

Ўзбекистон Республикасининг экспорт таркибининг йиллар бўйича динамикаси, фоизда

Экспорт таркиби	1990	2000	2011	2012
Пахта толаси	59,7	27,5	9,0	9,6
Озиқ-овқат маҳсулотлари	3,9	5,4	13,2	6,7
Кимёвий маҳсулотлар ва улардан тайёрланган буюмлар	2,3	2,9	5,6	5,8
Ёқилғи ва нефть маҳсулотлари	17,1	10,3	18,5	37,4
Қора ва рангли металллар	4,6	6,6	7,4	8,0
Машина ва ускуналар	1,7	3,4	6,7	7,0
Хизматлар	1,3	13,7	11,8	17,6
Бошқалар	9,4	30,2	27,8	7,9

Манба: http://www.mfer.uz/uzb/tashqi_savdo/

2012 йилда мамлакатимиз импорт ҳажми 9 фоизга ўсиб, умумий қиймати 12026,5 млн. долл.ни ташкил этди.

Импорт таркибида хизматлар (130,1%), кимёвий маҳсулотлар ва улардан тайёрланган буюмлар (122,2%), озиқ-овқат маҳсулотлари (119,4%) сезиларли даражада ошди. Аксинча, ёқилғи ва нефть маҳсулотлари импорти ўтган йилга нисбатан камроқ (90,2%) бўлди.

Энг аввало шунини таъкидлаш лозимки, импорт таркибида машина ва ишлаб чиқариш ускуналари улуши 2012 йилда 45,4 фоизни ташкил қилиб, бу 1990 йилдаги кўрсаткичга нисбатан деярли 4 баравар кўпроқдир. Мазкур ҳолат республикаимизда иқтисодийни модернизациялаш ва техник жиҳатдан қайта қуроллантириш жараёнларини амалга оширишда замонавий ва юқори

технологияларга асосланган машина ва ишлаб чиқариш ускуналарига бўлган эҳтиёж орқали изоҳланади.

7-жадвал

2012 йил якунларига кўра Ўзбекистон Республикасининг импорт таркиби, млн.долл.

Импорт таркиби	Жами		
	2012 йил учун	2011 йилга нисбатан (% да)	натижага нисбатан (% да)
Жами:	12026,5	109	100
озик-овқат маҳсулотлари	1187,5	119,4	9,9
кимёвий маҳсулотлар ва улардан тайёрланган буюмлар	1738,1	122,2	14,4
ёқилғи ва нефть маҳсулотлари	875	90,2	7,3
қора ва рангли металлар	937,9	108,7	7,8
машина ва ускуналар	5461,3	109,3	45,4
хизматлар	730,3	130,1	6,1
бошқалар	1096,4	88,9	9,1

Манба: http://www.mfer.uz/uzb/tashqi_savdo/

Агар мамлакатимиз импорти таркибининг йиллар давомидаги динамикасини кузатадиган бўлсак, унда ҳам маълум сифат ўзгаришларини кўриш мумкин.

Озиқ-овқат маҳсулотлари импортининг улуши 1990 йилда 48,9 фоизни ташкил этган бўлса, 2012 йилга келиб 9,9 фоизга қадар, яъни деярли 5 баравар қисқарди. Бу эса мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш асосларининг тобора ривожлантириб ва мустаҳкамлаб борилаётганлигини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикасининг импорт таркибининг йиллар бўйича динамикаси, фоизда

Импорт таркиби	1990	2000	2011	2012
Машина ва ускуналар	12,1	35,4	41,3	45,4
Кимёвий маҳсулотлар ва улардан тайёрланган буюмлар	9,7	13,6	13,3	14,4
Ёқилғи ва нефть маҳсулотлари	3,1	3,8	8,1	7,3
Қора ва рангли металллар	10,2	8,6	8,1	7,8
Озиқ-овқат маҳсулотлари	48,9	12,3	12,4	9,9
Хизматлар	1,5	8,5	5,3	6,1
Бошқалар	14,5	17,8	11,5	9,1

Манба: http://www.mfer.uz/uzb/tashqi_savdo

Шунингдек, ушбу даврда хизматлар импорти улушининг 4 баравардан кўпроқ ўсиши мамлакатимизда замонавий хизмат турларига бўлган эҳтиёжнинг тобора ўсиб бораётганлигидан дарак беради.

2.3. Ўзбекистон иқтисодиётига жалб этилаётган хорижий инвестициялар динамикаси таҳлили

Мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтириш, замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган янги корхоналарни барпо этиш ва реконструкция қилиш учун хорижий инвестицияларни жалб қилиш катта ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бу авваламбор аҳоли бандлиги, унинг иш ҳақи ва даромадларини ошириш каби энг муҳим ижтимоий муаммоларни ечиш имкониятини беради. Шу боисдан ҳам мамлакатимизга хорижий инвестициялар жалб этаётган корхоналарни иқтисодий рағбатлантириш ва улар учун зарур шароитларни яратиб бериш ўта муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Хорижий инвестицияларни жалб этмай, айниқса, етакчи тармоқларда чет эл инвестициялари иштирокини кенгайтирмай туриб, иқтисодиётда таркибий

Ўзгаришларни амалга ошириш ва уни модернизация қилиш, корхоналарни замонавий техника билан қайта жиҳозлаш ҳамда рақобатдош маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкин эмас. Бу масала юзасидан Президентимиз Ислон Каримов “Ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган яна бир муҳим устувор йўналиш – чет эл инвестицияларини кенг жалб қилиш, хорижий инвесторлар учун янада қулай шароитлар яратишга улкан эътибор қаратаётганимизни алоҳида қайд этмоқчиман.”²³ деб ўтдилар. Мамлакатимиз иқтисодиётига хорижий инвестицияларнинг жалб этилиши унинг иқтисодий имкониятларининг кенгайтирилиши тезлаштириб, барча соҳаларда ички имконият ва резервларни ишга солиш, янги техника ва технологияни, экспортбоп товарларни ўзлаштириш, уларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш орқали давлатимиз иқтисодий кудратини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Миллий иқтисодиётни ривожлантиришда хорижий инвестицияларнинг аҳамияти ниҳоятда катта бўлиб, у қуйидагилар билан изоҳланади:

- биринчидан, хорижий инвестициялар ишлаб чиқаришга замонавий техника ва технологияларни жорий этиб, экспортга мўлжалланган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ривожлантиради;

- иккинчидан, импорт ўрнини босувчи товар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва бунинг учун хорижий инвестицияларни иқтисодиётнинг устувор соҳаларига йўналтириш ва пировардида аҳолининг меъёрадаги турмуш даражасини таъминлаш имконини яратади;

- учинчидан, кичик бизнесни ривожлантириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини кенгайтириш орқали ўсиб бораётган аҳолини иш жойлари билан таъминлайди;

- тўртинчидан, корхоналарнинг эскирган ишлаб чиқариш қувватларини, моддий-техник базасини янгилайди ва техник қайта қуроллантиради.

²³ И.А. Каримовнинг “Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади» номли маърузаси. 2011 йил 21 январь.

Ўзбекистонда инвесторлар учун, айтиш мумкинки, кўп жиҳатдан бекиёс, ўта қулай инвестицион муҳит, имтиёз ва преференциялар тизими яратилган, деб айтишга барча асосларимиз бор. Иқтисодиётимизга жалб қилинаётган хорижий инвестициялар ҳажми йилдан йилга ортиб бораётгани ҳам бунинг ёрқин далилидир.

Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, корхоналарнинг инвестиция фаолиятини жадаллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш дастурларини амалга оширишда хорижий инвестициялар, аввало, тўғридан-тўғри инвестицияларнинг ўрни бекиёсдир

9-жадвал

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига жалб қилинган ва тўғридан-тўғри киритилган хорижий инвестициялар ҳажми

Йиллар	Хорижий инвестициялар (миллион АҚШ доллари)	Тўғридан-тўғри киритилган хорижий инвестициялар (миллион АҚШ доллари)
2001	823.9	96.5
2002	516.5	80.1
2003	602.1	166.7
2004	754.6	333.8
2005	746.6	545.5
2006	895.7	683.8
2007	1009,3	768,4
2008	1700	1258
2009	2856	2264
2010	3635,2	3107,9
2011	3832,4	3368,4
2012	3277,55	2526,56

Манба: Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги

Жадвалдан кўриниб тарибдики, 2010 йилда хорижий инвестициялар хажми 3,6 миллиард АҚШ долларидан кўпроқни ташкил этган. Бу кўрсаткич 2009 йилдагидан қарийб 800 миллион АҚШ долларига кўп эканини кузатиш мумкин.

2011 йилда 3,8 млрд долларлик хорижий инвестициялар киритилган бўлса, шунинг 3,3 млрд долларини тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ташкил этган. 2012 йилда эса бу кўрсаткич 3,2 млрд доллар ҳамда 2,5 млрд долларни шакллантирган.

Халқаро молия институтлари ва хорижий компаниялар билан тузилган шартнома ва битимлар асосида 2013 йилда иқтисодиётимизнинг реал секторига 3 миллиард АҚШ долларидан ортиқ инвестиция киритиш кўзда тутилмоқда. Шунини таъкидлаш керакки, бу маблағнинг 2 миллиард 200 миллион АҚШ долларидан ортиғи ёки 73 фоиздан зиёдини тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари ташкил этади.

10-жадвал

2013 йил давомида жалб қилинган хорижий инвестиция ва кредитлар, (миллион АҚШ долл.)

Кўрсаткичлар	2013 йил
Жалб қилинган хорижий инвестициялар умумий миқдори:	3723,8
Давлат инвестиция дастури доирасида	3233,8
Худудий инвестиция дастурлари доирасида	490,0
шу жумладан, тўғридан-тўғри инвестициялар	2734,89


Манба: Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги

Тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари ҳисобидан иқтисодиётимизнинг кўплаб тармоқларида 70 тадан ортиқ инвестиция лойиҳасини амалга ошириш мўлжалланмоқда. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар - ўзга мамлакат резидентлари томонидан бошқа мамлакат реал активларига маблағ киритиш, уни тасарруф этиш ва уларнинг ишлатилиши устидан назорат ўрнатиш.

Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожлантириш ташкилоти тавсифига кўра, акцияларнинг камида 10 фоизига эгалик қилиш.

Бу газни қайта ишлайдиган замонавий завод қуришни ўз таркибига олган Қандим гуруҳи конларини, шунингдек, Хаузак ва Шоди конларини ўзлаштириш, истиқболли углеводород хомашё конларида геология-қидирув ишларини олиб бориш бўйича йирик лойиҳалардир.

Айни вақтда Навоий вилоятида аммиак ва карбамид ишлаб чиқариш комплексини барпо этиш, Қорақалпоғистон Республикасида цемент заводи қуриш, Тошкент вилоятида турли мато ва тикувчилик маҳсулотлари, тайёр дори препаратлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича лойиҳалар ҳам шулар қаторига киради.



9-чизма. Худудларда жами фаолият юритаётган хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар сони²⁴.

Юқоридаги чизмада худудлар кесимида фаолият юритаётган хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар баросида кўрсаткичлар келтирилган. Унга биноан Тошкент шаҳрида 3033 та инвестиция лойиҳаси, Тошкент вилоятида эса 451 та лойиҳа ҳамда Самарқанд вилоятида 207 та лойиҳа фаолият кўрсатмоқда.

²⁴ Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги маълумотлари

Юқоридаги кўрсаткичлар хорижий инвестиорларнинг мамлакатимиз худудларига бўлган қизиқиши етарли даражада эмаслигини билдириб туради. Сабаби қолган вилоятилардаги хориж капитали иштирокидаги корхоналар сони Тошкент шаҳри ҳамда Тошкент вилоятидан тубдан фарк қилади. Мамлакатимизнинг қолган вилоятлари каби Жиззах ҳамда Хоразм вилоятларидаги хориж иштирокидаги корхоналар сони ҳам, яъни 36 ҳамда 25 та ташкилот сонини имкон қадар ошириш лозим.

Иқтисодиётни ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашни жадаллаштириш ва кўламларини кенгайтириш, ишлаб чиқаришни диверсификациялаш бўйича ислохотлар бевосита Ҳукуматимиз раҳнамолигида, миллий корпорациялар, компаниялар, корхоналар ўз маблағлари ва бевосита жаҳондаги энг йирик ва машҳур АҚШнинг “Женерал Моторс”, “Тексако”, Германиянинг “МАН”, “Даймлер Бенц”, “Клаас”, Буюк Британиянинг “БАТ”, Испаниянинг “Максам”, Япониянинг “Исузу”, “Иточу”, Малайзиянинг “Петронас”, Кореянинг “Кореан Эйр”, “СНОС”, “LG”, Хитойнинг “СNPC”, Россиянинг “Лукойл”, “Газпром” каби компаниялари, Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, Ислон тараққиёт банки сингари йирик халқаро молия ташкилотлари, Жанубий Корея, Япония, Хитой ва бир қатор араб давлатлари инвестиция банклари ҳамкорлигида амалга оширилмоқда.

Хорижий инвесторлар томонидан назорат қилиш ҳуқуқини белгиловчи кўрсаткич сифатида улар эга бўлган акциядорлик капиталининг ҳиссаси кўрсаткичидан фойдаланилади.

Бу кўрсаткич АҚШда 10 фоиз, Франция ва Буюк Британияда 20 фоизга яқин, Германияда 25 фоиздан 50 фоизгача, Ўзбекистонда эса 49 фоиз даражасида белгиланган. Шунингдек, корхона бошқарувида бевосита амалга оширилаётган инвестицияларнинг узоқ муддатли экани ҳам унинг муҳим белгиларидан биридир.

III боб. Ўзбекистон иқтисодиётида ички ва ташқи балансни таъминлаш омилларидан самарали фойдаланиш йўллари

3.1. Мамлакатда ички балансни таъминлашда инвестиция фаолиятини ривожлантириш йўналишлари

Ҳозирги кунда мамлакатимизда инвестиция фаолияти Ўзбекистон Республикасининг Инвестицион дастури доирасида амалга оширилмоқда. Дастурлар тўғрисида Президентимиз Ислон Каримов “2009 йилги иқтисодий дастуримизнинг иккинчи энг муҳим устувор йўналиши — бошланган таркибий ўзгаришларни ва иқтисодиётни диверсификатсия қилиш жараёнларини давом эттиришдир.”²⁵ деган фикрни таъкидлаб ўтдилар.

Барча дастурлар ҳар йили Ҳукумат қарорига асосан қайта кўриб чиқилади ва кўшимчалар киритилади. Келгуси йилдаги инвестицион дастурни шаклланиши жорий йилнинг бошидан қуйидаги кетма-кетликда амалга оширилади.

- Вазирликлар ва жойлардаги ҳокимият органлари инвестицион таклифларни ишлаб чиқади.

- Вазирликлар ва жойлардаги ҳокимият органларининг инвестицион таклифлари келгуси йил давлат бюджетига олдиндан келишиш учун иқтисодиёт вазирлигига, молия вазирлигига кўриб чиқиш учун берилади.

- Иқтисодиёт вазирлиги ҳамма келиб тушган инвестицион таклифларни маълумотлар базасига киритади ва уларни экспертиза қилади.

- Лойиҳаларни экспертиза қилгандан сўнг, иқтисодиёт вазирлиги давлатнинг биринчи даражали ва бошқа мезонларига асосан инвестицион таклифларни танлаб олади.

- Иқтисодиёт вазирлиги томонидан инвестицион дастурнинг лойиҳаси ишлаб чиқилади ва келгуси йил давлат бюджети лойиҳасига киритиш учун молия вазирлигига тақдим этади.

²⁵ И.А.Каримов. Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Тошкент, 2009 йил март.

- Инвестицион дастурнинг лойиҳаси Ҳукуматга тасдиқлаш учун киритилади.

Инвестицион дастурга киритилган айрим лойиҳалар ўзининг мураккаблиги, таркиби ва ўлчами билан аниқ лойиҳа эмас, балки кўпроқ инвестиция дастурини ташкил қилмоқда. Бу эса ўз навбатида авваламбор лойиҳани амалга оширишда катта хатарни келтириб чиқармоқда, қолаверса дарҳол катта маблағ солиш мажбурияти билан чет эл инвестициясини жалб қилишни қийинлаштирамоқда.

Ўзбекистон бой табиий, минерал хом ашё ва меҳнат ресурсларига, улкан инвестиция имкониятларига эга бўлган мамлакатдир. Ўзбекистонда инвестиция фаолиятининг ютуқларини таъминлайдиган ҳал қилувчи омил — бу зарурий, инвестициялаш билан у ёки бу тарзда боғлиқ бўлган жами масалаларни тартибга соладиган таъсирчан қрнунчиликнинг борлигидир.

Республикада яратилган қулай инвестиция муҳити биринчи навбатда мамлакатдаги сиёсий ва иқтисодий барқарорлик билан тавсифланади. Қабул қилинган қонун ҳужжатлари, Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Фуқаролик, Солиқ, Ер Кодекслари бу муҳитнинг негизини ташкил этади. Ўзбекистон Республикасининг «Чет эл инвестициялари туғрисида», «Инвестиция фаолияти туғрисида», «Хорижий инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоратadbирлари туғрисида», янги таҳрирдаги «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида» каби ва бошқа қонунларда инвесторларга бериладиган кафолатлар ва имтиёзлар мустаҳкамлаб қўйилган. Чет эл инвестициялари оқимини рағбатлантириш мақсадларида қушимча имтиёзлар ва преференциялар бериш назарда тутилган бир қанча қонун ҳужжатлари қабул қилинган. Республиканинг экспорт-потенциалини кенгайтириш ва валюта билан ўз харажатларини ўзи қоплаш, маҳсулотлар ва экспорт товарлари рақобатбардошлигини ошириш учун қулай шароитлар яратиб бериш мақсадларида Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан бир қатор қушимча имтиёзлар ва преференциялар жорий этилди. Чет эл

инвестицияларини жалб этишни янада рағбатлантириш, республиканинг ҳар бир минтақасида экспортга мулжалланган қушма корхоналар ташкил қилиш йулида Вазирлар Мах,-камасининг қарорлари қабул қилинмоқда ва амалга оширилмоқда. Улар жумласига 2000 йил 11 октябрда қабул қилинган 393-сонли «Қўшма корхоналар ташкил қилишда чет эл инвестицияларини жалб қилиш бўйича қушимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2001 йил 23 ноябрдаги 459-сонли «Республика минтақаларида чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар ташкил қилиш дастурига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» қарорлари ҳам киради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 5 июндаги "Экспорт маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантиришнинг қушимча чора-тадбирлари тўғрисида" ги Фармони билан барча мулкчилик шаклларидаги экспортёр корхоналарнинг узлари ишлаб чиқарган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни эркин алмаштириладиган валютага экспорт қилишдан олинган даромаддари даромад (фойда) солиги тулашдан озод қилинди. Бунга қушимча тарзда 2000 йил 1 июлдан бошлаб барча мулкчилик шаклларидаги экспортёр корхоналар учун умумий сотиш ҳажмида узи ишлаб чиқарган товарлар (хизматлар, ишлар) экспорти қандай ҳиссада эканлигига қараб мулк солиги тулашнинг лиги тартиби жорий қилинди. Бу тартибга кура:

- экспорт ҳиссаси 25 дан 50 фоизгача бўлганда амалдаги мулк солири ставкаси 50 фоизга пасайтирилади;

- экспорт ҳиссаси 50 ва ундан юқрри фоиз бўлганда мулк солиги олинмайди.

Умуман олганда, инвестиция лойиҳасининг амал қилиш муддати уни тузишдан кўзланган мақсадга боғлиқ бўлади.

Асосий шарт шуки, режанинг муддати ё бир марталик лойиҳани тугал амалга ошириш учун ёки ишлаб чиқариш қуввати ва сотиш режалаштирилаётган даражага етиши учун, солинган маблағлар ўзини

коплаш муддатини ва унинг рентабеллигини белгилаш учун етарли бўлиши керак ҳисобланади.

Инвестиция лойиҳаларининг функционал вазифалари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- корхона мақсадларини аниқ таърифлаш, уларни амалга ошириш ва мақсадга эришишнинг конкрет миқдор кўрсаткичларини белгилаш; қўйилган мақсадларга эришишни таъминлайдиган ўзаро боғлиқ ишлаб чиқариш, маркетинг ва ташкилий дастурларни ишлаб чиқиш; зарур молиялаш ҳажмларини ва унинг манбаларини аниқлаш; лойиҳани амалга оширишда дуч келиши мумкин бўлган қийинчиликлар ва муаммоларни аниқлаш; лойиҳанинг амалга оширилишини назорат қилиш тизимини ташкил этиш; лойиҳани молиялашга инвесторларни жалб этиш учун батафсил асосларни тайёрлаш.

Инвестиция ҳақидаги қарорларни танлаш ҳам катта муаммо. Молиявий ресурсларнинг чекланганлиги, инвестиция хатарлари мавжудлиги ва бошқа шу каби омиллар қарор қабул қилишни қийинлаштиради. Узоқ муддатли лойиҳаларни баҳолаш айниқса сермеҳнат иш бўлиб, улар учун прогноз даражасига эришиш эҳтимолдан узоқ. Қарорларни қабул қилиш вақтида маблағларни қайси соҳага: ишлаб чиқаришга, қимматли қоғозларга, кўчмас мулкка, товарларга, валютага ёки бошқаларга сарфлаш фойдалироқ бўлишини аниқлаб олиш муҳим. Инвестиция ҳақида қарорлар қабул қилган вақтда қуйидаги қоидаларга амал қилиш мақсадга мувофиқ:

- пулни банкда сақлашга қараганда кўпроқ соф фойда олиш мумкин бўлсагина пул маблағларини ишлаб чиқаришга ёки қимматли қоғозларга инвестициялаш мумкин;

- инвестицияларнинг рентабеллиги инфляциянинг ўсиш суръатларидан ортиқ бўлганидагина маблағларни инвестициялаш мумкин;

- дисконтлашни ҳисобга олганда энг рентабелли лойиҳаларгагина маблағларни инвестициялаш мумкин.

Инвесторлар кутилаётган ҳаражатларни солинадиган капитал учун хатар даражаси билан таққослайдилар. Инвестициялаш натижалари уларнинг хатарга дуч келиш даражаси билан чамбарчас боғлиқ. Шу сабабли қарорлар қабул қилиш учун хатарларни таҳлил қилиш ғоят муҳимдир. Асосий инвестициявий хатарлар қуйидагилардан иборат: солинган маблағларни батамом йўқотиш мумкинлиги; капитални қисман йўқотиш; солинган маблағлар бўйича кутилаётган даромаднинг тўланмаслиги; солинган маблағларнинг қадрсизланиши; солинган капиталга фоиз тўлашнинг кечикиши.

Молия ва инвестиция билан боғлиқ қарорлар ўртасидаги нисбатлар инвестициялар йўналишларини ҳамда уларни шакллантириш манбаларини танлашни ўз ичига олади. Ишлаб чиқариш, тадқиқотлар ва ривожланиш, менежмент маблағ солишга турли даражада алоқадор ва шу сабабли инвестиция ҳақидаги қарорлар билан боғлиқ бўлади. Молиявий таҳлил ва ҳисобот инвестицияларни баҳолаш усуллари билан шуғулланади.

Инвестиция лойиҳасини амалга ошириш тўғрисида қарор қабул қилинганидан кейин уни амалга оширишни режалаштириш ҳамда тегишли мониторинг тизимини ишлаб чиқиш зарур. Шу ўринда инвестициялашдан кейинги назорат учун қўйиладиган талабни белгилаб олиш муҳим, чунки бунда, у ёки бу лойиҳанинг келажакда муваффақиятли чиқиши ёки муваффақиятсизликка учраши ҳақида маълумот олиш осонроқ бўлади. Инвестициялашдан кейинги назорат босқичи келажакда инвестиция ҳақида қабул қилинажак қарорларни яхшилашга қаратилган бўлиб, у конкрет инвестиция лойиҳаси бўйича қабул қилинган қарорга яқун ясайди. Масалан, янгиликларга қилинадиган ҳаражатлар тадқиқ этилиши ҳамда кутилган ва режалаштирилган натижалар билан таққосланиши мумкин.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида ҳам молиялаштириладиган барча лойиҳалар устидан мониторинг олиб боришнинг умумий тизими жорий қилинган.

Мониторингнинг мазмуни "кузгу" деган маънони англатади.

Мониторингни юритишда қуйидагилар кўзда тутилади:

1. Бажариладиган лойиҳада нимаишлаб чиқариш кузда тутилганлиги.
2. Ишлаб чиқариш жараёнини билишлик, яъни маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнини бошидан охиргача кузатиб бориш.
3. Ишлаб чиқариш корхонасининг ташкилий, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва экологик жиҳатдан асосланиши ва ташкил этилиши.
4. Лойиҳани молиялаштириш манбаларини аниқдаш ва уни молиялаштиришни амалга ошириш.

Мониторинг олиб бориш босқичлари булиб қуйидагилар ҳисобланади:

- корхонанинг молиявий - хўжалик фаолияти тўғрисидаги маълумотларни йиғиш ва қайта ишлаш;
- олинган маълумотлар асосида корхоналарнинг молиявий - хўжалик ҳолатини таҳдил этиш;
- таҳлил натижалари бўйича хулосалар қилиш ва таклифлар бериш.

Дастурни амалга оширилиши мониторинги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 4 январдаги 1 - сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларнинг амалга оширилиши устидан давлат мониторинги тўғрисидаги Низомга ва Вазирлар Маҳкамасининг "Инвестиция Лойиҳаларини тасдиқлаш ва амалга ошириш мониторинги механизмларини такомиллаштириш, мурувват ёрдами юқларини ва техник кумақлашиш маблағларини ҳисобга олиш ва назорат қилиш чора - тadbирлари тўғрисида"²⁶ги Қарорига мувофиқ амалга оширилади.

Дастурнинг давлат мониторинги:

- инвестиция лойиҳаларни ва, биринчи навбатда, марказлаштирилган инвестициялардан фойдаланган ҳолда рўёбга чиқарилаётган инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида ва самарали амалга оширилишини таъминлаш;

²⁶ Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15 ноябрдаги 251 - сонли "Инвестиция Лойиҳаларини тасдиқлаш ва амалга ошириш мониторинги механизмларини такомиллаштириш, мурувват ёрдами юқларини ва техник кумақлашиш маблағларини ҳисобга олиш ва назорат қилиш чора - тadbирлари тўғрисида" ги Қарори

- лойиҳаларни белгиланган тартибда тасдиқланган параметрларга, танлов савдолари (тендерлар) шартларига риоя қилиш;
- амалга оширилаёпан лойиҳалар бўйича ахборот базасини шакллантириш;
- инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда пайдо буладиган муаммоли масалаларни кузатиб бориш.

Инвестицияларни жалб қилишда қуйидаги муаммолар мавжуд:

- Инвестицион лойиҳа бўйича маркетинг тадқиқотларининг чуқур олиб борилмаслиги ва бу лойиҳанинг келгусидаги пул оқимлари ҳаракатининг барқарорлигига ҳамда кредитни қайтариш манбасининг ишончлилигига салбий таъсир этиши;
- Инвестицион лойиҳалар ташаббускорлари дуч келаётган асосий муаммолардан бири – молиялаштиришнинг ноқредит усулларида сушт фойдаланиши (лизинг, факторинг, франчайзинг ва х.к.);
- Тижорат банкларининг кредит-молия муассасаларига хос бўлмаган вазифаларни бажариши;
- Инвестицион лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асосномасини сифатсиз тайёрланиши.

Ушбу муаммоларни ҳал этишга қаратилган таклифлар:

- Тижорат тузилмаларини кафолатга бўлган талабини таъминлаш мақсадида кафолат-гаров жамғармалари тизимини шакллантириш;
- Аҳоли бўш пул маблағларини инвестицион жараёнларга жалб қилиш мақсадида қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш, турли қимматли қоғозларни муомалага чиқариш (уй-жой сертификатлари ва уй-жой облигациялари);
- Ишлаб чиқаришни тузилмавий-технологик қайта қуришни жадаллаштириш мақсадида марказлашган кредит ресурсларнинг бир қисмини тез қоплайдиган инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришга қаратиш, шу жумладан кичик бизнес объектларига йўналтириш;

- Инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришнинг нокредит усулларида бўлган лизинг, франчайзинг, факторинг кабилардан фойдаланишни кенгайтириш;

- Инвестицион лойиҳаларни сифатини ошириш, лойиҳаларни капитал қўйилмалар самарадорлиги талабларига мос келиши мақсадида тижорат асосида доимий равишда фаолият юритадиган инвестицион лойиҳалар кўргазмасини ташкил қилиш ва ҳ.к.

3.2. Ташқи савдо сиёсатини жадаллаштиришда давлатнинг ролини ошириш йўллари

Ҳозирги пайтда республика ҳукумати томонидан ташқи савдо фаолиятини янада эркинлаштириш, ташқи иқтисодий фаолият субъектлари ҳуқуқ ва манфаатларини кафолатлашга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, уларнинг ҳуқуқий асослари белгалаб берилган бўлсада, мамлакатимизда экспортёрларни маъмурий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш масалалари ҳали етарли даражада ўз ечимини топа олмаган. Айрим ҳолларда эса мамлакатда зарурий ҳужжатларни тайёрлаш муддатларининг чўзилиши ва уларнинг халқаро меъёрлар талаб даражасида эмаслиги кузатилади. Бундай ҳолат баъзан республика иқтисодий манфаатларига жиддий таъсир кўрсатади. Бунинг учун Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолиятига мос келадиган пухта қонуний базани халқаро миқёсда тан олинган иқтисодий ҳамкорлик принциплари асосида қайта ишлаб чиқиш ва амалий ижросини таъминлашда қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимият органлари фаолияти ишчанлигини кучайтириш лозим.

Тизимни қайта шакллантириш соҳасидаги чекланган имкониятларни ҳисобга олган ҳолда халқаро молиявий ва техник имкониятлардан унумли фойдаланиш ва хўжалик юритувчи субъектлар ташқи иқтисодий фаолиятини рағбатлантирувчи илмий асосланган макроиқтисодий сиёсатни шакллантириш мақсадга мувофиқдир.

Амалда кўпчилик хўжалик юритувчи субъектлар халқаро бозорлар ва потенциал хорижий ҳамкорлар тўғрисида етарли ахборотлар ва илмий

таъминотга эга бўлмасдан туриб халқаро алмашинувда иштирок этишга ҳаракат қиладилар. Холбуки, ташқи иқтисодий алоқалар ривожланишининг муҳим омили бўлиб хизмат қилувчи илмий асосланган ташқи иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқмасдан туриб, халқаро меҳнат тақсимоотида самарали иштирок этиш истиқболларига умид қилиш асоссиз ҳисобланади.

Бугунги кунда экспортнинг катта қисми давлатга тегишли бўлган корхоналар, ассоциациялар ва концернлар томонидан амалга оширилаётган бўлиб, жаҳон тажрибасининг кўрсатишича, бу каби корхоналарда жаҳон бозоридаги рақобат курашида муҳим ҳисобланган ташаббуснинг етишмаслиги кузатилади. Корхоналарнинг хўжалик юритиш субъекти сифатида ҳақиқий мустақиллигани таъминлаш, давлат ва маҳаллий ҳокимият органларининг корхоналар хўжалик фаолиятларига маъмурий аралашувидан воз кечиш зарурдир. Асосийси, шундай иқтисодий муҳит яратиш керакки, унда хусусий сектор экспортга йўналтирилган фаолиятни амалга оширишдан манфаатдор бўлсин. Давлат иқтисодиётни тартибга солишда бозор механизмларидан фойдаланиш орқали иқтисодиёт хусусий секторининг ривожланиши учун қулай шароитларни яратиб бериши ва шунингдек, ресурслар эркин бозорини шакллантиришнинг асосий ташаббускори бўлиши лозим. Бугунги кунда кўпгана ишлаб чиқарувчиларда иқтисодий манфаатдорликнинг мавжуд эмаслиги давлат экспорт сиёсати самарали амалга оширилишининг асосий муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Ишлаб чиқарувчиларда ҳақиқий яратувчилик ва бунёдкорлик ҳиссини шакллантириш, уларга тўла иқтисодий ва ҳуқуқий мустақиллик бериш экспортга йўналтирилган давлат стратегик сиёсатининг асосий масалаларидан бири сифатида қаралмоғи лозим. Шундан келиб чиққан ҳолда, республика экспортёрларини маъмурий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда яна қуйидаги ўстувор масалаларга ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозимдир:

- республика иқтисодий салоҳиятини доимий таҳлил этиш;
- ташқи савдони маъмурий тартибга солиш жараёнини соддалаштириш;

- экспортбop маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ меъёрий-техник ҳужжатларни янгидан ишлаб чиқиш ва зарурий ўзгартиришлар киритиш;

- республика экспортини ривожлантиришга қаратилган махсус давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва унинг истиқболини белгилаш;

- ТИФ тўғрисидаги ахборотларнинг тўлиқ ва ишончлилигига эришиш мақсадида статистика ва божхона ахборотлари ўртасидаги ўзаро мосликни таъминлаш;

- корхона ва ташкилотларнинг халқаро кўрғазмаларда иштирок этишини таъминлаш мақсадида кўрғазмали стратегиялар ва чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

- экспорт қилинадиган товарлар рақобатбардошлигини оширишга доимий ҳамкорлик қилиш;

- дунё бозорида рақобатбардошлиги юқори бўлган тармоқларни аниқлаш;

- республика экспорт салоҳиятини ўрганиш бўйича олиб бориладиган илмий-тадқиқот ишларини давлат бюджети ҳисобидан молиялаштириш;

- республикада йирик экспорт лойиҳаларини амалга оширишда яқиндан ҳамкорлик қилаётга маҳаллий ва хорижий тадбиркорларни республика ҳукумати томонидан тақдирлаш;

- республика корхоналари томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ва кўрсатиладиган хизматлар тўғрисидаги махсус реклама буклетларини тайёрлаш ва уларни хорижий давлатлар элчихоналари, ваколатхоналарига тарқатиш борасида яқиндан ҳамкорлик қилиш;

- республикада кўзга кўринган экспортёрларнинг давлат савдо делегациялари билан ташқи бозорлар ҳолатини ўрганиш ва хорижий ишбилармонлар билан алоқалар ўрнатиш мақсадидаги чет эл сафарларни мунтазам уюштириб бориш;

- экспортга йўналтирилган кўрғазмали чора-тадбирларнинг давлат томонидан молиялаштирилиши механизмларини ишлаб чиқиш;

- ҳудудлар экспорти салоҳиятини юксалтиришга қаратилган концепция ва дастурларни ишлаб чиқиш.

Экспортга йўналтирилган иқтисодий сиёсатнинг асосий мақсади, бозор муваффақиятсизликларига барҳам бериш ва ташқи савдо чекловларини энгиллаштириш орқали миллий режим доирасида барча экспортёрларга тенг имкониятлар яратишдан иборат бўлмоғи лозим. Халқаро тажрибалардан келиб чиқиб шуни қайд этиш лозимки, Ўзбекистоннинг экспортга йўналтирилган ривожланишини таъминлаш учун икки гуруҳга мансуб чекловларни бартараф этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бу жаҳон бозорларига кириб бориш билан боғлиқ ташқи чекловлар ҳамда иқтисодиётни тартибга солиш борасидаги айрим ички чекловлардир.

Миллий иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида экспорт йўлига ўрнатилган ички чекловларни бартараф этиш энг асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Бу масалани бартараф этишда жаҳон бозори конъюнктурасида вужудга келаётган ўзгаришлар ҳисобга олиниши зарур. Бизнинг назаримизда, экспорт йўлига ўрнатилган ички чекловларни бартараф қилиш: биринчидан, ички валюта бозорини эркинлаштириш орқали ягона валюта курси ўрнатилишини таъминлаш ва экспортни рағбатлантириш мақсадида миллий валюта алмашлов курсларини босқичма-босқич пасайтириб бориш; иккинчидан, самарали рақобат муҳитини яратиш орқали мамлакат экспортида хусусий сектор, жумладан кичик ва ўрта бизнес корхоналари ролини кучайтириш; учинчидан, макроиқтисодий барқарорликка эришиш шароитида инфляция даражасини пасайтириш лозим.

Экспортни муваффақиятли амалга ошириш учун мамлакатда мустаҳкам макроиқтисодий шарт-шароитларни яратиш, яъни мустаҳкам валюта алмашиниш курсини ўрнатиш, экспортёрларни макроиқтисодий кўрсаткичлар ҳолатидан доимий хабардор қилиш, вазиятни тўғри баҳолаш ва шартномалар имзолашга ўргатиш, халқаро тўловларни амалга оширишда аккредитив очиш шартлари билан яқиндан таништириш ва шунингдек, уларга валюта алмаштириш жараёнида ишончли шароитларни яратиб бериш лозим.

Алмашлов курслари ҳар хиллигига барҳам бериш ва жорий операциялар бўйича эркин конвертацияни барқарор амалга ошириш мамлакатда қуйидаги ютуқларни қўлга киритиш имконини беради:

- ички нархларнинг жаҳон нархларига яқинлашиши кузатилади;
- импорт томонидан рақобатнинг кучайиши маҳаллий ишлаб чиқариш самарадорлигининг ортишига олиб келади;
- экспорт қилинадиган товарлар ва хизматлар ҳажмида кенгайиш кузатилади;
- Ўзбекистонда ишлаб чиқариш рақобатбардошлигини ошириш билан боғлиқ инвестиция қарорларини тезкор қабул қилиш имконияти юзага келади.

Албатта, эркин конвертацияни йўлга қўйиш ҳар қандай мамлакатдан яхши тайёргарлик кўришни талаб этади. Жорий операциялар бўйича чекланмаган конвертацияни йўлга қўйиш учун Ўзбекистон ҳали унчалик даражада тайёр бўлмаслиги ҳам мумкин. Чунки, катта микдордаги капиталнинг мамлакатга оқиб келиши ҳам, мамлакатдан оқиб чиқиб кетиши ҳам иқтисодий мувозанатнинг бузилишига сабаб бўлиши мумкиндир. Бундай шароитда капитал ҳисобини давлат томонидан назорат қилиш талаб этилади. Аксинча, бундай ҳолат хусусий сектор қарздорлигининг тезлик билан ошишига, шунингдек хорижий инвесторларнинг мамлакат иқтисодиётига бўлган ишончининг пасайишига сабаб бўлиши ҳам мумкиндир.

Ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш шароитида, республикада мукамал институционал ва бозор инфратузилмаларининг ҳали етарли даражада шакллантирилмаганлиги, экспортни давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган ислохотларни амалга оширишда маълум бир қийинчиликларни юзага келтириши мумкин. Айни пайтда, ташқи бозорларда маркетинг фаолиятини ташкил этиш ва кенгайтириш мақсадида ривожланган маркетинг марказлари тизимини дунё мамлакатлари бўйлаб ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш шароитида хорижий мамлакатлар бозорларида экспорт савдосини тўғри ташкил этиш ва ривожлантириш мақсадида Ўзбекистоннинг чет эллардаги савдо ваколатхоналари тармоғини кенгайтиришга муҳим аҳамият бериш лозимдир. Фикримизча, савдо ваколатхоналарининг асосий вазифаси қуйидаги масалаларга қаратилмоғи лозим:

Хорижий бозорлар конъюнктураси ва фирма ҳолатини доимий ўрганиб бориш;

- савдо ва инвестициялар бўйича ишончли хорижий ҳамкорларни кидириб топиш ва экспортёрларни улар тўғрисидаги ахборотлар ва маълумотлар билан доимий таъминлаш;

- хорижий мамлакатларда қўшма корхоналар барпо этиш билан боғлиқ ташкилий-техник чора-тадбирларни амалга ошириш.

Бундай марказларни ташкил этишни молиялаштиришда давлат маблағларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлиши мумкин. Давлат хориждаги савдо ваколатхоналари фаолият доирасини яхшилаш ва кенгайтириш учун зарурий шарт-шароитларни яратиб бериши, зарурий ҳолларда хорижий бозорларда маҳсулотларни экспорт қилишда уларга керакли топшириқларни бериши ва уларнинг бажарилиши устидан қатъий назорат олиб бориши лозим.

Фикримизча, Ўзбекистонда ташқи савдони ривожлантиришда ҳамон муаммо бўлиб келаётган ички ишлаб чиқарувчиларда хорижий бозорлар тўғрисидаги зарурий ахборотларнинг етишмаслиги, уларни йиғиш ва тарқатиш билан шуғулланувчи давлат ва нодавлат тизимларининг етарли даражада шакллантирилмаганлиги, республикада савдони ривожлантириш ташкилотлари (СРТ) ни ташкил этиш ва улар зиммасига қуйидаги вазифаларни юклашни долзарб масалага айлантиради:

- хорижий бозорларда маҳаллий экспортёрлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларга бўлган ялпи талабни ҳисобга олган ҳолда мамлакат экспорт потенциали истиқболларини белгилаш;

- халқаро тижорат операциялари шартларини ўрганиш;

- маҳаллий тадбиркорлар учун ҳам мамлакат ичида, ҳам хорижда ахборот хизматларини такдим қилиш тизимларини ташкил қилиш;

- қулай экспорт иқдимини яратиш, экспорт процедуралари ва расмийликларини соддалаштириш, экспорт инфратузилмасини такомиллаштириш борасида ҳукуматга зарурий таклифлар билан чиқиш;

- ташқи савдони ривожлантиришга қаратилган давлат режалари ва дастурларини ишлаб чиқишда фаол иштирок этиш;

- савдони ривожлантириш бўйича халқаро ташкилотлар билан доимий ҳамкорлик қилиш.

Маълумки, ҳозирги пайтда республика экспортёрларида хорижий бозорларни ишлаб чиқарган маҳсулотлари билан забт этиш бўйича етарли малакаларнинг етишмаслиги кузатилади. Бундай муаммоларни ўз вақтида бартараф этмаслик республиканинг экспортга йўналтирилган давлат стратегик сиёсатини амалга оширишда маълум бир қийинчиликларни юзага келтириши мумкиндир. Фикримизча, мазкур муаммоларни бартараф этишда Савдони ривожлантириш ташкилоти зиммасига яна қуйидаги вазифаларни юклаш мақсадга мувофиқдир:

- халқаро бозорларда маркетинг тадқиқотларини олиб бориш орқали экспортёрларнинг янги маҳсулотлар билан жаҳон бозорларига чиқишига кўмаклашиш;

- экспортёрларнинг халқаро стандарт талаб даражаларига жавоб берадиган товарларни ишлаб чиқариши учун яқиндан ҳамкорлик қилиш;

- экспортни ривожлантириш бўйича дастурларни ишлаб чиқиш орқали экспорт товарлари сифат дизайнини истеъмолчилар талаб даражаларига мослаштириш;

- экспорт маҳсулотларини қадоқдаш ва ташиш жараёнида сифат кўрсаткичлари устидан назоратни ўрнатиш тизимларини ишлаб чиқиш жараёнида фаол иштирок этиш;

- савдо ярмаркалари, экспорт уйлари, илғор тижорат марказлари тизими ва савдо компанияларини ташкил этишда яқиндан кўмаклашиш;

- савдони ривожлантириш бўйича маъмурий, ҳуқуқий, иқтисосодий ва ташкилий механизмларни ишлаб чиқиш жараёнида фаол иштирок этиш;

- икки томонлама ва кўп томонлама келишувларни имзолаш жараёнида ҳукуматга кўмаклашиш ва маслаҳатлар бериш.

Ўзбекистон иқтисодиётининг ривожланишида давлатнинг роли ошиб бораётган бир шароитда ҳукуматимиз томонидан амалга оширилаётган барча сабий ҳаракатлар мамлакатда кичик ва ўрта бизнес тадбиркорларининг кенг қатламини вужудга келтириш ва маъмурий буйруқбозлик иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтиш даврини тезкор босиб ўтишга қаратилмоқда.

Бироқ биз ҳозирги кунга қадар етарли даражада ривожланган ва иқтисодий жиҳатдан тўла мустақил бўлган ишбилармонлар секторни ташкил қилдик деб айта олмаймиз. Уларнинг ташқи савдода иштирок этиши масалаларига келадиган бўлсак, ташқи савдо операцияларини тартибга солишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш жараёнида тадбиркорлар ва компания бошлиқлари томонидан билдириладиган фикрлар, деярли ҳисобга олинмайди. Кўпчилик ҳолларда экспортёрлар ташқи савдони ривожлантириш билан боғлиқ меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш жараёнидан батамом ажратиб қўйилади. Бундай вазият, ишбилармонлар билан давлат ўртасидаги самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш, шунингдек мамлакат иқтисодиётининг ривожланишда тадбиркорлик структуралари ролини оширишга тўсқинлик қилади. Фикримизча, ишбилармон сектор вакиллари савдони ривожлантириш мақсадида ташкил этилган тузилмалар бошқарув органларида бўлиши ва улар учун манфаатли бўлган қарорларни қабул қилишда таъсир қилиш имкониятига эга бўлишлари керак.

Савдони ривожлантириш ташкилотларининг ишбилармон доиралар билан ҳамкорлик қилиши, экспорт сиёсатини тўғри режалаштириш ва шакллантиришни, шунингдек, экспортёрлар манфаатларини жуда яхши тушуниш имконини беради. Бу эса ишбилармон доиралар экспорт салоҳиятининг ошишига ёрдам беради. Ушбу амалиёт жуда кўп мамлакатларда экспортни ривожлантиришда қулай имкониятлар яратилишига олиб келган. Гарчи, ривожланаётган мамлакатларнинг кўпчилиги айнан шундай ташкилотларга эга бўлсаларда, амалда уларнинг аксарият қисми самарасиз фаолият кўрсатган. Кўпчилик мамлакатларда бундай ташкилотларнинг фойдасизлиги тадбиркорлар учун яратилган муҳитнинг паст даражада эканлиги билан изоҳланади. Бундай ташкилотларнинг Шарқий Осиё мамлакатлардаги муваффақиятли фаолиятларини қисман шу орқали изоҳлаш мумкинки, улар савдо учун қулай иқтисодий-сиёсий муҳит шакллантирилгандан кейингина ташкил қилинган эдилар.

3.3. Мамлакат иқтисодиётидаги молиявий-иқтисодий ресурслардан самарали фойдаланиш йўллари

Президентимиз ўз маърузасида “...ишончим комилки, хорижий шерикларимиз билан ўзаро ҳамкорликни чуқурлаштириш, мамлакатимизда янада қулай инвестиция муҳитини шакллантириш учун ҳали ишга солинмаган имкониятларимиз етарли. Содда қилиб айтганда, бу борада ишончли кафолатларни яратиш, хорижий инвесторларнинг ишончини қозониш ва мустаҳкамлаш даркор”²⁷, деб таъкидлаб ўтди.

Бугунги кунда хорижий инвестицияларни янада кенгроқ миқёсда жалб қилиш, уларни ўз маблағларини мамлакатимиз иқтисодиёти учун сарфлашга қизиқтириш мақсадида қонун асосида имтиёзли молиявий шароитлар яратилган.


Ўзбекистонда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг бир маромда фаолият юритиши ва инвесторларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши учун тегишли меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган. Жумладан, 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги, «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда Солик кодекси чет эл сармояларини амалга оширишнинг ҳуқуқий асос ва тартибини белгилаб беради.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон ҳудудида хорижий компаниялар фаолиятини рағбатлантиришга йўналтирилган чора-тадбирларнинг қуйидаги тизими ишлаб чиқилган:

- хусусийлаштириш жараёнида хорижий инвестицияларнинг қатнашиши;
- техникавий қайта қуролланиш;
- халқ истеъмоли ва экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш.

²⁷ И.А. Каримовнинг “Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади» номли маърузаси. 2011 йил 21 январь.

Ўзбекистон Республикаси хорижий инвестицияларнинг давлат фойдасига мусадара ва реквизиция қилинмаслигига кафолат беради.



10-чизма. Ўзбекистон Республикасида яратилган имтиёзли молиявий шароитлар²⁸

Хорижий инвесторларнинг қонуний фаолияти доирасида ишлаб топган даромадлари хорижий валютада, чегараланмаган миқдорда чегарадан олиб ўтилиши давлат томонидан кафолатланади.

Ўзбекистон Республикасида хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва ўзлаштириш мақсадида инвесторларга бир қатор имтиёзлар (иқтисодий платформа) берилади.

Хорижий инвестициялар иштирокида ташкил этилган корхоналар (савдо, воситачилик, хомашё етказиб берувчилардан ташқари) рўйхатдан ўтган кундан бошлаб:

- даромад (фойда) солиғидан биринчи йилнинг 25 фоизлик қисмидан, иккинчи йил 50 фоизлик қисмидан, учинчи йил 100 фоизлик озод қилинади,

²⁸ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги

кишлоқ худудида эса биринчи йилдан бошлаб бундай солиқдан 100 фоиз озод қилинади;

- мулк солиғидан 2 йилга озод қилинади;

- ишлаб чиқарган маҳсулотининг 30 фоиздан ортиғи экспортга чиқарилса, 50 фоиз даромад солиғидан (фойда солиғи), 15-30 фоизи экспортга чиқарилса, 30 фоиз даромад (фойда) солиғидан озод қилинади;

- ишлаб чиқариш билан банд бўлса, ер солиғидан 2 йилга озод қилинади.

Ўзбекистон Республикасида алоҳида соҳаларга имтиёзлар бериш кўзда тутилган. Унга кўра, нефть ва газ конларини очиш ва қидириш ишларига хорижий компанияларни жалб қилган корхоналар ушбу ишларни амалга ошириш даврида барча солиқлардан, шунингдек, зарур ускуналарни импорт қилишда божхона тўловларидан озод қилинади.

Мазкур соҳадаги корхона чет эллик ҳамкорлар билан биргаликда очилса:

- нефть ва газ қазиб чиқарилган кундан бошлаб 7 йилга даромад (фойда) солиғидан;

- хорижий ҳамкорлар улушига мансуб капиталдан олинадиган даромад ва мулк солиғидан озод қилинади.

Енгил саноат соҳасида:

- тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар қўшимча қиймат солиғидан ташқари барча солиқлардан озод қилинади;

- ўз эҳтиёжи учун ишлаб чиқариш ускуналари, эҳтиёт қисмларни импорт қилишда корхоналар божхона тўловларидан озод қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 апрелдаги “Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони мамлакатимизда инвестиция муҳитини янада яхшилаш, хусусийлаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва реконструкция қилиш, ортиқча ишчи кучи мавжуд бўлган минтақаларда янги иш жойларини яратиш дастурларини амалга оширишга тўғридан-тўғри

хусусий хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, шунингдек, хорижий инвесторлар учун ишончли ҳуқуқий ҳимоя ва кафолатларни таъминлашга қаратилган. Унга кўра, тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этадиган иқтисодиёт тармоқлари корхоналари асосий фаолияти бўйича даромад солиғи, мулк солиғи, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва ҳудудларни ободонлаштириш солиғи, микрофирма ва кичик корхоналар учун белгиланган ягона солиқ тўлашдан, шунингдек, Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан хорижий инвестициялар ҳажми қуйидагича бўлганда озод қилинади:

- 300 минг АҚШ долларидан 3 миллион АҚШ долларигача - 3 йил муддатга;

- 3 миллиондан ортиқ АҚШ долларидан 10 миллион АҚШ долларигача - 5 йил муддатга;

- 10 миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлганда - 7 йил муддатга.

Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, бошқа манфаатдор тузилмалар қисқа муддатларда хорижий инвесторлар фаолияти учун яратилган амалдаги шароитларни чуқур ва танқидий ўрганиб чиқиш ҳамда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича таклифларни ишлаб чиқишга киришган. Ушбу таклифларни тайёрлашда мавжуд норматив базани, инвесторларни жалб этиш ва хорижий инвестициялар иштирокида ташкил қилинган корхоналарни рўйхатга олишнинг тартиб-қоидаларини, уларни ҳимоя қилиш бўйича ишончли кафолатларни янада такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ҳозирги кунда республикамизда инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг қуйидаги манбалари мавжуддир:


1. Корхона ва жисмоний шахслар жамғармалари.
2. Банк кредитлари ҳисобидан молиялаштириш.

3. Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари фондлар маблағлари ҳисобидан молиялаштириш.

4. Хорижий инвестициялар.

Сўнгги йилларда инвестициялар таркиби, хусусан, бюджетдан ажратиладиган инвестициялар ва банк кредитларнинг салмоғи кескин ўзгарди.

Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётнинг устувор тармоқларини ривожлантириш учун хорижий инвестицияларни жалб қилиш сиёсати мавжуд маблағлардан, вақт ва имкониятдан самарали фойдаланишга, амалдаги шарт-шароитлардан келиб чиқиб, бойликларни самарали жойлаштириш ва шу йўл билан республика иқтисодиётини юксалтириш, унинг жаҳон иқтисодий тизимига қўшилишига рағбатлантириш йўли билан инвестицияларни иқтисодиётнинг устувор тармоқларига жалб қилишга ҳамда улардан самарали фойдаланишга қаратилган.



11-чизма. Давлат инвестиция дастурининг инвестиция лойиҳалари²⁹

2013 йилда мазкур Фонднинг маблағлари ҳисобидан қиймати 780 миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлган 24 тадан зиёд лойиҳани молиялаштириш кўзда тутилаётган бўлиб, бу ўтган йилга нисбатан 2,1 баробар кўпдир.

²⁹ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги

Мамлакатимиздаги мавжуд ички ресурсларимиз кўламини кенгайтириш борасида Тикланиш ва тараққиёт фондининг ролини кучайтириш ғоят муҳим ўрин тутади. Ҳозирги вақтда 6 миллиард АҚШ долларидан ортиқ маблағга эга бўлган ушбу Фонд стратегик муҳим инвестиция лойиҳаларини хорижий инвесторлар билан биргаликда молиялаштиришда етакчи шериклардан бири сифатида фаолият олиб бормоқда.

Хорижий инвестицияларни жалб қилиш шакллари:


- Молиявий активларни сотиш ва сотиб олишни ташкил этиш;
- 100 фоиз мол-мулк хорижий инвесторларга тегишли бўлган хорижий корхоналарни ташкил этиш;
- Биргаликда улуш қўшиш орқали қўшма корхоналарни ташкил этиш;
- Йирик хорижий компания ва фирмаларнинг шўъба корхоналари ва филиалларини ташкил этиш;
- Концессия ва лизинг шартномалари тузиш;
- Эркин иқтисодий ҳудудлар ташкил этиш;
- Тендерлар эълон қилиш.

Бугунги кунда хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг бир қанча шакллари мавжуд. Улар қуйидаги чизмада акс эттирилган.

Иқтисодиётни эркинлаштириш ва чет эл инвестицияларини жалб қилишнинг кенгайиб бориши даражасига қараб, инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш, бевосита чет эл инвестицияларини янги лойиҳаларга, шунингдек, хусусий тадбиркорлик субъектларининг катта қисмини инвестиция фаолиятига жалб қилишни ҳам назарда тутати. Бунда чет эл инвестициялари оқимини рағбатлантириш, шу билан бирга, миллий иқтисодиёт субъектларининг бу фаолиятда иштирок этишини тақдирлаш муҳим ўринда туради.

Ўзбекистон улкан хорижий инвестициялар йўналтирилаётган мамлакатлар гуруҳига кириш учун барча шарт-шароитларга, хорижий инвестицияларни жалб этиш учун бир қатор афзалликларга эга.

**2013 йил Давлат инвестиция дастури устувор инвестиция таклифлари
йиғма рўйхати**



12-чизма. Давлат инвестиция дастури устувор инвестиция таклифлари³⁰

Жаҳон ҳамжамияти олдида ўзининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси, дунё харитасидаги географик жойлашуви, табиий ресурсларининг таркиби ва захираси, ҳукумат олиб бораётган иқтисодий сиёсат ва бошқалар билан муҳим роль ўйнайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 январдаги ПҚ-1464-сонли қарорида мамлакатимизда 2011-2015 йилларда ислохотларни янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш, иқтисодиётни либераллаштириш ва модернизация қилиш, қулай тадбиркорлик фаолиятини шакллантиришнинг устувор йўналишлари белгилаб берилди:

- ҳуқуқий базани янада ривожлантириш ва янги қонунлар қабул қилиш;
- мамлакатимизда ва ҳудудларда ҳар томонлама қулай бизнес муҳитини яратиш;
- молия-банк тизимини либераллаштириш, молия ва кредит ресурслари бозорини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;
- фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш ҳисобидан иқтисодиётни модернизация қилиш ва унинг таркибини диверсификация этиш;

³⁰ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги

- ташқи иқтисодий фаолиятни янада либераллаштириш, унда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг кенг иштирокини таъминлаш.

Бозор иқтисодиётининг асосий иқтисодий тушунчаларидан бири инвестициялар тушунчаси бугунги ҳаётимизга кенг ва тез кириб келишининг ўзи унинг моҳияти ва аҳамиятини, зарурлигини кўрсатади. Хорижий инвестициялар иштирокидаги янги корхоналар сонининг тобора ортиб бориши ва янгилари барпо этилаётгани давлатимизнинг бу соҳага бўлган катта эътибори ва уларга яратиб бераётган қулайликлари натижасидир. Шу боисдан ҳам мамлакатимизга хорижий сармояларни жалб этаётган корхоналарни иқтисодий рағбатлантириш ва улар учун зарур шароитларни яратиб бериш ўта муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Хулоса ва таклифлар

Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, мамлакатда ички ва ташқи балансни ўрнатишда инвестиция ва жамғармаларнинг шаклланиши ҳамда экспорт ва импорт операцияларини тўғри амалга ошириш билан бир қаторда самарали ташқи савдо сиёсатини шакллантириш масалалари мазкур битирув малакавий ишини тайёрлаш жараёнида ўрганиб чиқилди. Мавзу юзасидан ўрганилган натижалар, амалга оширилган таҳлилий ишлар бўйича қуйидаги хулосалар ишлаб чиқилди.

1. Инвестиция иқтисодий ёки бошқа фаолият объектига сарф қилинадиган моддий ва номоддий неъматлар ва уларни тасарруф қилиш ҳуқуқини ифодалайди. Молиявий моҳиятига кўра инвестициялар даромад олиш мақсадида хўжалик фаолиятига сарфланадиган барча турдаги активлардир.

2. Мамлакатнинг инвестиция сиёсати - бу иқтисодиётнинг устувор тармоқларини ривожлантириш, қўллаб - қувватлаш, марказлашган инвестициялаш жараёнидан номарказлашган инвестиция жараёнига ўтиш, устувор инвестицион лойиҳаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган механизм, услублар йиғиндиси ҳисобланиши аниқланди.

3. Истеъмол ва жамғариш ҳажмини белгиловчи асосий омил уй хўжаликларининг ишлаб топган даромадлари, олган трансферт тўловлари ва тўлаган солиқлари билан белгиланадиган тасарруфдаги даромад (Y_d) кўрсаткичидир.

4. Экспорт – товарнинг хорижга чиқарилишини назарда тутувчи сотиш. Импорт – товарнинг хориждан олиб кирилишини назарда тутувчи харид. Савдо айланмаси – экспорт ва импорт ҳажмининг қийматда ифодаланадиган ҳажмлар суммаси.

5. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида шу нарса аён бўлдики, мамлакатда инвестиция салоҳиятидан самарали фойдаланиш, биринчи навбатда, амалга оширилаётган инвестиция сиёсатига, иккинчидан

инвестиция муҳитининг қай даражада шаклланганлигига ва қолаверса, давлат томонидан бажарилаётган иқтисодий ислохотларга боғлиқ экан.

6. Ишнинг иккинчи бўлимидаги бажарилган таҳлилларга кўра, мамлакатимиз иқтисодиётига киритилаётган инвестициялар миқдори ошиб бориш тенденциясига эга экан, яъни 2011 йилда жами 20,7 триллион сўмга ҳамда 2012 йил 23,7 триллион сўмга тенг бўлди. Шу жумладан, 2012 йил мамлакатимиз иқтисодиётига киритилган хорижий инвестициялар 3277,55 миллион АҚШ долларига тенг бўлиб, шундан 2526,56 миллион АҚШ доллари ёки 77 фоизи тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ташкил этган.

Юқорида ўрганилган битирув малакавий иш натижасида қуйидаги таклифлар шакллантирилди:

1. Инвестиция салоҳиятидан самарали фойдаланиш йўлида давлатнинг ролини ошириш даркор. Бунда эътиборни кўпроқ давлат инвестиция дастурларига қаратиш керак, яъни уларда келтирилаётган талабларни янада мувофиқлаштириш лозим.

2. Экспортни қўллаб қувватлашда ҳукуматнинг ролини ошириб бориш лозим. Яъни экспортбоп маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ меъёрий-техник ҳужжатларни янгидан ишлаб чиқиш ва зарурий ўзгартиришлар киритиш орақли такомиллаштириш лозим.

3. Мамлакат иқтисодиётиша хорижий инвестицияларнинг тутган ўрнини аҳамиятлигини ҳисобга олиб уларнинг сонини ошириб бориш керак. Бу каби масалани ҳал этишда хорижий инвесторларга тегишли имтиёзларни кўпайтириш билан биргаликда, яратилган имтиёзлардан ташаббускор шахсларни вақтида хабардор қилиш имкониятини кенгайтириш лозим.

4. Мамлакатда мавжуд инвестиция салоҳиятидан унумли фойдаланиш йўлида аҳоли ва корхоналарнинг бўш пул маблағларини банкларга жалб қилишни жадаллаштириш лозим. Бунда аҳолининг тижорат банкларига ишончини яна ҳам ошириш даркор.

5. Мамлакатда ички ва ташқи балансни таъминлашда Ҳукуматнинг инвестиция дастурларидаги инвестиция лойиҳалари сони ва сифатини ошириш керак. Бу орқали нафақат инвестиция лойиҳалари сони ортади, балки янги иш ўринлар яратилиши билан бир қаторда барқарор иқтисодий ўсиш таъминланади.

6. Мамлакатда ташқи балансни таъминлаш йўлида ташқи савдони ижобий шакллантириш лозим. Бунда республика экспортини ривожлантиришга қаратилган махсус давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва уларнинг истиқболини белгилаш даркор.

7. Мамлакатда нафақат ички балансни таъминлашда, балки ташқи балансни ҳам таъминлашда муҳим аҳамият касб этувчи кўргазмаларни кўпайтириш лозим. Бу борада корхона ва ташкилотларнинг халқаро кўргазмаларда иштирок этишини таъминлаш мақсадида кўргазмали стратегиялар ва чора-тадбирларни ишлаб чиқиш лозим.

Юқорида келтирилган таклифлар мамлакатда ички ва ташқи балансни таъминлашнинг асосий омилларидан самаралироқ фойдаланиш йўлида ижобий таъсир этади деган умиддамиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.: “Ўзбекистон”, 2011 й.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Инвестицион фаолият тўғрисида”ги Қонуни. Т.: “Ўзбекистон”, 1998 й. 719-І-сон.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги Қонуни. Т.: “Ўзбекистон”, 1998 йил, 609-І-сон.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисида”ги Қонуни. Т.: “Ўзбекистон”,

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарорлари ва Фармонлари

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 ноябрдаги ПҚ-1855 сонли “2013 йил Давлат инвестиция Дастури тўғрисида”ги қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 27 декабрда “Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилга мўлжалланган инвестицион дастури тўғрисида”ги 1668-сонли Қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 29 декабрда “Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилга мўлжалланган инвестицион дастури тўғрисида”ги 1455-сонли Қарори.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” давлат дастури тўғрисида”ги 2011 йил 7 февралдаги Қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 21 январдаги ПҚ-1048 -сонли "2009 йилда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида"ги Қарори.
10. «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005йил 12 апрелдаги Фармони.

III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2013 йил Халқаро саноат ярмарка ва Кооперация биржасини ташкил этиш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарори. Тошкент 2013 йил 22 февраль, 53-сон.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Корея Республикаси билан инвестицион ҳамкорликни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарори. 2012 й., 51-сон, 576-модда.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Инвестиция Лойиҳаларини тасдиқлаш ва амалга ошириш мониторинги механизмларини такомиллаштириш, мурувват ёрдами юкларини ва техник кумаклашиш маблағларини ҳисобга олиш ва назорат қилиш чора - тадбирлари туғрисида” ги Қарори. 2005 йил 15 ноябрдаги 251 – сон.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Инвестиция лойиҳалари ҳужжатларини ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш тўғрисида”ги 2003йил 2декабрдаги 538 – сонли Қарори.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Республика минтақаларида чет эл инвестициялари иш-тироқидаги корхоналар ташкил қилиш дастурига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида” 459-сонли Қарори, 23.11.2001 йил.

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Қўшма корхоналар ташкил қилишда чет эл инвестицияларини жалб қилиш бўйича қушимча чора-тадбирлар тўғрисида” 393-сонли Қарори, 01.10.2000 йил.

IV. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

15. Каримов И.А. “2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади”. //Халқ сўзи. 2014 йил 18 январ.

16. Каримов И.А. “Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш.” // “Халқ сўзи” газетаси, 2013 йил 19 январь. № 13 (5687).

17. Каримов И.А. “Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади» номли маърузаси. Халқ сўзи, 2011 йил, 22 январ.

18. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Тошкент 2009 йил, 15 март.

19. Каримов И.А.«Эришилган марраларимизни мустаҳкамлаб ислохотлар йўлларини излаб бориш-асосий вазифа» Халқ сўзи 2004.

20. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т.: Ўзбекистон, 1995й.

21. Каримов И.А. Ўзбекистон – ўзига хос тараққиёт йўли. Тошкент, «Ўзбекистон», 1993й.

V. Дарсликлар ва ўқув қўлланмалар

22. Абалкин. Л.И. Перспективы экономики России на исходе XX века. // Экономист. 1996й. - № 12.

23. Авдокушин Е.Ф. Международные экономические отношения. Учебник. - Мл Юристъ, 2007. - с. 261.

24. Аньшин В.М. «Инвестиционный анализ» М.: 2004.

25. Самуэльсон П., Нордхаус В. Экономика, 18-е изд. – М.: ООО “И.Д.Вильямс”, 2009г. 1318 стр.

26. Виленский П.Л., Лившиц В.Н., Смоляк С.А. «Оценка эффективности инвестиционных проектов: Теория и практика». 2004.

27. Международные экономические отношения. /Под редакцией д.э.н., проф., член-корр. РАЕН Е.Ф. Жукова. М.: ЮНИТИ. - 2006 г. -с. 86

28. Жураев А.С., Хўжакулов Д.Ю., Маматов Б.С. Инвестиция лойиҳалари таҳлили Т.: Шарқ. 2003.

29. Ишмухамедов А.Э., Қосимов М.С., Джумаев З.А., Жумаев Қ.Х. «Лойиҳа таҳлили». Ўқув қўлланма. Т.:ЎЁУАЖ 2004.

30. Ишмухамедов А.Э., Косимов М.С., Джумаев З.А., Жумаев Қ.Х. «Лойиҳа таҳлили». Ўқув қўлланма. Т.:ЎЁУАЖ 2004. 126-бет.

31. Турдиев А.С. Инвестицион фаолият бошқарувини такомиллаштириш йўллари. - Т.: НИИЭиРПС, 1994й. 85-91б.

32. Мокконелл К., Брю С. Экономикс: принципы, проблемы и политика. 16-е изд.– М.: ИНФРА, 2006г. 910 стр.

33. Эргашева Ш., Узоқов А. “Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш”. Т.: “Иқтисод-молия” 2008.

34. Ғозибеков Д. “Инвестицияларни молиялаштириш масалалари” Т.: Молия – 2003.

VI. Интернет саҳифлар

35. www.gov.uz

36. www.mfer.uz

37. www.mineconomy.uz

38. www.stat.uz

39. www.lex.uz

40. www.cbu.uz

**Ўзбекистон Республикасида чет эл инвестицияларини тартибга солиш ва жалб этиш билан
шуғулланадиган расмий муассасалар**

Расмий муассаса номи	Муассасанинг чет эл инвестицияларини тартибга солиш ва жалб этиш билан боғлиқ фаолият доираси
Вазирлар Маҳкамасининг ташқи иқтисодий фаолиятни мувофиқлаштириш департаменти	Қуйидаги жараёнларни мувофиқлаштиради: -инвестиция фаолиятини, биринчи навбатда чет эл инвестициялари билан амалга ошириладиган лойиҳаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича зарур ҳукумат қарорларини ишлаб чиқиш; -давлат бошқарув идоралари, вазирлик ва идоралар ишини ташкил этиш;
Иқтисодиёт вазирлиги	-инвестиция сиёсатини ва дастурларини ишлаб чиқиш;
Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги	-мамлакат ва хориж инвесторларининг инвестиция таклифлари тўғрисида маълумотлар банкини шакллантириш; -инвестиция муҳитини ўрганиш; -хорижий инвесторларга ахборот ва бошқа хизматлар кўрсатиш; -инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда мамлакат ва хориж инвесторларига ёрдам кўрсатиш; -чет эл капитали иштирокида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг бажарилишини кузатиш (мониторинг); -корхоналарни ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари тарзида рўйхатга олиш ва хорижий компаниялар ваколатхоналарини аккредитациялаш;
Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси	давлатга тегишли мулкни хусусийлаштириш ва тасарруф этиш жараёнида чет эл инвестицияларини тартибга солиш;
Молия вазирлиги	қарз сиёсати ва ҳукумат кафолатларини бериш;

Адлия вазирлиги	чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарни рўйхатга олиш;
Ташқи ишлар вазирлиги	хорижий инвесторларга ва Ўзбекистонда ишлаётган хорижий фуқароларга визалар бериш;
Ички ишлар вазирлиги	хорижий инвесторларни ва Ўзбекистонда ишлаётган хорижий фуқароларни турар жойи бўйича рўйхатга олиш;
Давлат солиқ қўмитаси	чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарни солиққа тортиш ва уларнинг божхона билан боғлиқ фаолиятини тартибга солиш;
Марказий банк	конвертация тартиб-қоидаларини, шунингдек, унинг ўтказилишини, валюта маблағларидан фойдаланишни тартибга солиш, қарз сиёсати;
Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки	ташқи иқтисодий фаолиятга банк хизмати кўрсатиш ва лойиҳани молиялашни амалга ошириш;
«Ўзбекинвест» давлат суғурта компанияси ва «Ўзбекинвест-интернешнл» қўшма корхонаси	чет эл инвестицияларини инвестиция таваккалчилигидан ва хавф-хатарлардан суғурталаш;
«Ўзбекинвестлойиҳа» миллий инжиниринг компанияси	дастлабки техник-иқтисодий асосномани ва инвестиция лойиҳалари техник-иқтисодий асосномаларини тайёрлаш;
Давлат мулки қўмитаси хузуридаги қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази	қимматли қоғозлар бозорини шакллантириш, ривожлантириш, назорат қилиш ва тартибга солиш соҳаларида давлат сиёсатини амалга ошириш. Мамлакат ва хорижий эмитентларнинг қимматли қоғозларини сотиб олиш орқали мажмуа инвестицияларини амалга ошириш;

Манба: Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
“ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА КРЕДИТЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШ
ҲАМДА ЎЗЛАШТИРИШ ЖАРАЁНИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚАРОРИ
(24.07.2008 й. N ПҚ-927)**

Хорижий инвесторлар ва халқаро молия институтларини Ўзбекистонда яратилган қулай инвестиция муҳити ҳамда мамлакат иқтисодиётига инвестиция сарфлашнинг потенциал имкониятлари тўғрисида кенг хабардор қилишни ташкил этиш, корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш учун хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб этиш ҳамда ўзлаштириш жараёнида давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг фаолиятини аниқ-пухта мувофиқлаштиришни таъминлаш мақсадида:

1. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб этиш бўйича қарорларни кўриб чиқиш, муҳокама этиш ва қабул қилишда, ҳар йилги Инвестиция дастурларини, шунингдек тармоқлар ва мамлакат минтақаларини ривожлантиришнинг ўрта муддатли дастурларини тайёрлашда етакчи бўғин ҳисобланади, унинг зиммасига мазкур масалаларни ҳал этишда идоравий мансублигидан қатъи назар, барча хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини мувофиқлаштириш масъулияти юкланади.

2. Қуйидагилар:

Хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб этиш ва ўзлаштириш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага* мувофиқ;

хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб этиш жараёнида лойиҳалар ташаббускорлари ва давлат органларининг ўзаро ҳамкорлик қилиш Схемаси 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, бошқа вазирликлар, идоралар, давлат ҳамда хўжалик бошқаруви органлари, мулкчилик шакли ва идоравий мансублигидан қатъи назар, хўжалик юритувчи субъектлар хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб этган ҳолда инвестиция лойиҳаларини тузиш ва кўриб чиқишда 2-иловага мувофиқ Схемага қатъий амал қилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги зиммасига хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб этиш учун инвестиция таклифларининг ягона базасини шакллантириш, потенциал хорижий инвесторларни излаш, амалга ошириш таклиф этилаётган лойиҳалар тўғрисида уларга зарур ахборотларни етказиш,

шунингдек хорижий инвесторлар ва кредиторлар билан эришилган ахдлашувларни расмийлаштиришда хўжалик юритувчи субъектларга кўмаклашиш вазифаси юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ягона маълумотлар базасига киритилган инвестиция таклифларининг амалга оширилиши тўғрисида ҳар ойда Вазирлар Маҳкамасига ахборот бериб борсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хўжалик юритувчи субъектлар томонидан Ўзбекистон Республикаси берган кафолатлар бўйича мажбуриятларнинг ўз вақтида бажарилишини таъминлаш устидан тизимли мониторинг ўрнатсин ва қарорлар қабул қилиш учун ҳар чорақда Вазирлар Маҳкамасига тегишли ахборотларни тақдим этиб турсин.

6. Вазирлар Маҳкамаси тармоқ Комплексларининг раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб этган ҳолда инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг тасдиқланган тармоқли жадвалларини ижро этиш, лойиҳаолди ҳужжатларини ўз вақтида тайёрлаш ва экспертиза қилиш устидан қаттиқ назорат ўрнатсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (Ш. Мирзиёев) Инвестиция дастурига киритилган хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб этган ҳолда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш жараёнини Раёсат мажлисларида ҳар ой мунтазам равишда кўриб чиқсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. Каримов

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва хўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори 06.04.2009 й. №ПҚ-1090

Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва хўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш, пул маблағларини банк айланмасига йўналтириш, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини кенгайтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлигининг тижорат банклари билан биргаликда ишлаб чиққан Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва хўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш қўшимча чора-тадбирлари комплекси иловага* мувофиқ маъқуллансин.

Мазкур қарор иловасида кўрсатилган Комплекс чора-тадбирларни белгиланган муддатларда бажарилиши юзасидан шахсий жавобгарлик Марказий банк, тижорат банклари ва бошқа тузилмалар раҳбарлари зиммасига юклансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, тижорат банклари миқозининг биринчи талабига биноан банкларнинг барча филиаллари томонидан аҳоли омонатлари бўйича нақд пул маблағлари берилишини таъминлаш юзасидан қатъий назоратни ўрнатсин.

Аҳолига уларнинг депозит ҳисоб рақамларидан нақд пул маблағлари берилишининг белгиланган тартиби бузилган ҳолатларда, тижорат банклари ва уларнинг ҳудудий бўлинмалари ҳамда филиаллари раҳбарларини эгаллаб турган лавозимларидан озод этишгача бўлган қатъий чоралар кўрилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда:

Вазирлар Маҳкамасининг "Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2004 йил 24 сентябрдаги 445-сон қарорига мувофиқ пластик карточкалар ёрдамида тўловларни қабул қилиш бўйича терминаллар билан жиҳозланиши керак бўлган чакана савдо ва пуллик хизматлар соҳаси объектлари рўйхатини қайта кўриб чиқсин ҳамда кенгайтирсин;

Белгилансинки, мазкур рўйхатга киритилган савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари томонидан тўлов терминаллари билан жиҳозлаш ҳамда улардан фойдаланиш талабларига риоя этилмаганлиги назорат-касса машиналарини ўрнатиш ҳамда фойдаланиш тартиби, савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларини бузишга тенглаштирилади, шунингдек улар

зиммасига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарлик юкланади.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туман ҳокимликлари:

савдо ва хизмат кўрсатиш объектларида тўловларни пластик карточкалар орқали қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминалларининг мавжудлиги ҳамда улардан мажбурий равишда фойдаланиш устидан қаттиқ назорат ўрнатсин;

савдо ва назорат-касса машиналаридан фойдаланиш ҳамда ҳисоб-китоб терминалларидан фойдаланиш қоидалари бузилиши, шунингдек пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда тўловларни қабул қилишдан ноқонуний бўйин товлаш ҳолатлари аниқланган тақдирда айбдор шахсларга нисбатан қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарлик чоралари қўлласин;

савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналар томонидан тўловларни пластик карточкалар орқали амалга оширишда ҳисоб-китоб терминалларидан фойдаланиш масалалари бўйича тезкор равишда чора кўриш учун хизмат кўрсатувчи тижорат банки билан биргаликда ҳар бир минтақада миждозларнинг аризаларини, шу жумладан, "ишонч телефонлари" орқали мурожаатлари кўриб чиқилишини ҳамда келиб тушадиган мурожаатларнинг зудлик билан текширилишини ташкил этсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Адлия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси бир ой муддатда товарлар ҳамда хизматларни чек бермасдан сотиш, назорат-касса машиналари ва ҳисоб-китоб терминалларидан фойдаланишнинг белгиланган тартибини бузганлиги учун чакана савдо субъектлари жавобгарлигини жиной жавобгарликкача қатъий кучайтириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳамда манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф.М. Муллажонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. Каримов